

*Илму
маърифат
инсонни
юксакликка
кўтарида.*

Ислом КАРИМОВ




Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 11-avgust, chorshanba № 63 (8296) ISSN 2010-6416



Жиззах туманиндағи 1-үқувчилар ижодий маркази ёзги таътил кунларида ўғил-қизлар билан янада гавжум. Бу ерда бадиий гимнастика, зардўзлик, куроқчилик, кулолчилик, пазандачилик, бичиш-тикиш, бадиий ҳаваскорлик, хориж тилларини ўрганиш каби тўгараклар ташкил этилган бўлиб, уларга 572 нафар ўғил-қиз жалб қилинган.

Суратларда: Жиззах туманиндағи 1-үқувчилар ижодий маркази тўгараклари ўқувчилар билан гавжум.

Умар РАҲМОНҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Янги ўқув йили остонасидамиз. Айни пайтда мактабга илк бор қадам қўяётган 1-синф ўқувчисидан тортиб, ота-она-ю ўқитувчи "Биринчи қўнгирок"ни ўзига хос тараффуд билан интиқ кутмоқда. Бундай хайрли ташвишлар руҳи таҳририятимизга келаётган хатлар мазмунида ҳам намоён бўлмоқда.

Янги ўқув йили қандай янгиликлар билан бошланади? Биринчи машғулот — Мустақиллик дарсларида қай жиҳатларга ургу берилса, мақсадга мувофиқ бўлади? Биринчи синф ўқувчинининг мактаб сумкасидаги ўқув қуроллари оғирлиги қанча бўлиши керак, каби кўплаб саволлар ҳар бир ўқитувчи-мурабби-ю, фарзандининг баркамол вояга етишини истаган ота-оналарни ҳам қизиқтирумокда. Шу билан бирга Ўзбекистон Рес-

публикаси Халқ таълими вазирилиги томонидан таълим самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур ўқув йилидан бир қатор янгиликлар амалиётта татбиқ этилмоқда. Жумладан, умумтаълим фанларининг узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланган ўқув дастурлари, "Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда раҳбар ходимларининг иш юкламасини белгилаш ва тақсимлаш бўйича йўриқнома", "5—9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўгрисидаги Низоми", янги кундаклик рейтинг дафтарчаси ҳамда педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини оширишини таъминловчи анъанавий "Устоз-шоғирд мактаби"нинг тизими равишда таълим-тарбия жараёнига кенг кўламда жорий этилиши

ҳам ҳар бир соҳа ходимидан ушбу хужожатларни ўз вақтида теран ўрганиши талаб этади.

Шу нуқта назардан, газетанинг мазкур сонида "Савол беринг, жавоб берамиз" рукни орқали муштарилиаримиз саволларига Халқ таълими вазирилиги мутахассислари томонидан берилган жавобларга (3, 5, 6, 7, 11, 13, 15-бетларда) кенг ўрин ажратилди.

Таълим ва тарбия — узвий ва узлуксиз жараён. Унинг доимий такомиллашиб, илм-фанинг сунгти ютукларини ўзида акс эттириб бормоғи талаб этилади. Шу боис фарзандлар камоли, келажак ўйи билан яшаётган ҳар бир кишида соҳага доир ўзига хос саволлар юзага келиши табиий. Демак, мулоқотимиз давом этади, янги саволларингизни кутамиш.

САВОЛ: — Мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқув йили қачондан бошланади ва қачон тугайди?

ЖАВОБ: — Мактабдан ташқари таълим муассасалари ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Мактабдан ташқари муассаса тўғрисидаги Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59-сонли қарорининг 2-иловаси), "Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар Концепцияси" ҳамда Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талаблари каби хужжатлар асосида амалга оширади.

Мактабдан ташқари муассаса тўғрисидаги Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59-сонли қарорининг 2-иловаси)-нинг III (Иш фаолиятини ташкил этиш ва унинг асослари) бўлимида қўйидаги бандлар белгиланган:

7. Тўгараклар, дастурлар таблабларига кўра, бутун ўқув йили учун ҳам, қисқароқ муддатларга ҳам ташкил этилади.

Тўгаракларни тўлдириш май ойида бошланади ва асосан мазкур йилнинг 10 сентябрида тамомланади. **Тўгаракларнинг машгулотлари мазкур йилнинг 15 сентябридан кечикмай бошланади ва одатда кейинги йилнинг 25 майида тугалланади.**

8. Таътил пайтларида мактабдан ташқари муассасалар ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан уларнинг бўш пайтларини мазмунли ўтказиш, дам олишларини тўлақонли амалга ошириш имкониятини туддирган ҳолда болалар ва ўсмирларнинг турар жойларида, концерт сафарлари, походлар, экспурсиялар, саёҳатлар, мусобақалар (шу жумладан, ўқувчиларнинг янги ўзгарувчан гурухлари билан тўгараклар, секциялар ва студияда, шаҳардан ташқаридағи оромгоҳларга кунлик борган ҳолда), турли-туман оммавий ишларни ташкил қиласидилар.

Ёзги таътил пайтида мактабдан ташқари муассасалар ўқувчилар учун йўналиши (профилли) болалар оромгоҳлари ҳамда туристик базалар очишлари мумкин.

Savol bering,
javob beramiz

ЎҚУВ ЙИЛИ ҚАЧОНДАН БОШЛАНАДИ?

БУ ЁРУГ ОЛАМДА
ВАТАН БИТТАДИР

3-бет

Умумий ўята таълим мактаблари ўқитувчиларининг иш юкламасини белгилаш ва тақсимлаш бўйича

ЙЎРИҚНОМА

Mustaqillikning 19 yilligi oldidan

БУХОРО ВИЛОЯТИ

8-9-бетлар

ЗАМОНАВИЙ ФАН ВА
ТЕХНОЛОГИЯ
РИВОЖИДА
МАГНЕТИЗМНИНГ ЎРНИ

10-бет

УПАРНИНГ
ДАВОМЧИЛАРИ
БОР!

15-бет

2010 йил 10 августда
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кен-
гашининг мажлиси бўлиб
утди.

Кенгаш ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлисini шу йил 28 августда Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Кенгаҳда қайд этилганидек, ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолияти мамлакатда амалга оширилаётган социал-иктисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг эҳтиёжлари ва жараёнлари билан узвий боғлиқ. Шу муносабат билан ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бўлажак ялпи мажлисида ижтимоий-сиёсий ҳаётни модернизация қилиш вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ўзбекистон Республикаси Конунинг ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Реклама тўғрисида"ги ўзбекистон Республикаси Конунiga ҳамда ўзбекистон Республикаси Мавмурй жавобгарлик тўғрисида ги кодексининг 1781-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Давлат санитария назорати тўғриси-

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

ши керак бўлган қонунлар ва масалалар муҳокама қилинади.

Чунончи, Сенатининг ялпи мажлиси кун тартибида давлат курилиши ва бошқарув соҳасини янада тacomillashiriшга қаратилган бир қатор ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. «Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген ҳусусиятли фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ўзбекистон Республикаси Конунiga ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Реклама тўғрисида"ги ўзбекистон Республикаси Конунiga ҳамда ўзбекистон Республикаси Мавмурй жавобгарлик тўғрисида ги кодексининг 1781-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Давлат санитария назорати тўғриси-

да"ги ўзбекистон Республикаси Конунинг 25-моддасига ва «Давлат статистикиса тўғрисида"ги ўзбекистон Республикаси Конунинг 5-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, «Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан ўзбекистон Республикаси Конунiga айрим қонун хужжатлariга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳам кўриб чиқиш таклиф қилинди.

Ялпи мажлиса суд-хукук тизимида доир қонунлар ҳам муҳокама қилинади. Ҳусусан, «Пиротехника буюмлари муоммаласи тартибида солиниши муносабати билан ўзбекистон Республикаси Конунiga айрим қонун хужжатлariга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва «Ўзбекистон Республикаси Конунiga айрим қонун хужжатlariга ўзгартиш ва қўшимчалар

киритиш тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласиданди.

Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлиси кун тартибида ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги, ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгариш киритиш тўғрисидаги масалалар ҳам киритилди.

Ялпи мажлиса ӯзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг учинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан маҳсус ишчи гурухи тузилиди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати**

ЯНГИ МАКТАБ ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЁР

Наманган шаҳридаги «Мустақилликнинг 5 йиллиги» маҳалла фуқаролар йигини худудида беш ярим мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиласди. Бугун уларнинг кувончи чекисиз. Бойси, маҳалла кўргига кўрк бўлиб, янги мактаб бунёд этилди. 1,8 гектар ер майдонига эга ушбу билим маскани қурилишига давлат бюджетидан 1 миллиард 834 миллион 433 минг сўмлик маблағ сарфланди.

— Мустақилликнинг 19 йиллигига муносаби совға ҳозирланди, — дейди маҳалла фуқаролар йигини раиси Мавжуда Атабаева. — ёшларимиз ке ла д. қаватли, 540 мактаб қурилди, кам-кўсти йўқ. 12x24 ҳажмдаги спорт зали, қизлар ва йигитлар учун ажратилган кийиниш-ечиниш хоналари, душ, 28 та синф хонаси, кимё, физика, биология фанлари учун 4 та ўкув лаборатория хоналари, 120 ўринли тадбирлар зали, меҳнат фани учун маҳсус 4 та устахона, компьютер син-фларининг барчаси ўкувчиларнинг замон талаблари даражасида билим эгаллашлари учун имкон беради.

Истиқол тифайли жуда катта бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бизнинг давримизда бундай замонавий мактабларда ўқиш орзу эди. Шукр, истиқол тифайли тўкин-сочин, тинч-осуда кунларда фарзандларимиз, набираларимиз биз ўқимаган, орзумиздаги замонавий мактабларда билим олишмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу янги мактаб очилиши туфайли 41 нафар ўқитувчи ва техник ходимларга янги иш ўринлари ҳам яратилади.

— Умумтаълим мактабини фойдаланишга топшириш тантаналари 1 сентябрь — Мустақиллик куни байрамида бўлиб ўтди, — дейди мазкур 69-мактаб директори Наргиза Боймирзаева. — «Билимлар куни»да эса 655 нафардан ортиқ ўкувчи ўз синф хоналарида илк сабоқ — Мустақиллик дарслари билан янги ўкув йилини бошлайди. Маҳсадимиз — таълим самарадорлигини ошириш, янги мактабимиз нуфузини ошириш учун меҳнат қилишdir.

Янги мактабга янги либосда, янги ўкув куроллари билан кириб келадиган болажонларни кўз олдимида гавдалантиридик. Кўзларида келажакка ишонч ва умид акс этган ўкувчиларга ана шундай таълим даргоҳида ўқиш қанчалик ярашади.

**Пўлат ХАМДАМ,
«Ma'rifat»нинг маҳсус мухбири**

Пойтахтимизда ўзбекистон Мустақил бўсма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан амалга оширилаётган ёш журналистларнинг республикамиз етакчи таҳририятларида малақа ошириши лойиҳасининг навбатдаги босқичи бошланди.

“Баркамол авлод йили” давлат дастури доирасидаги лойиҳанинг бўсқичида Бухоро ва Наманган вилоятларининг бўсма оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатётган ёш журналистлар иштирок этмоқда.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган давра сұхбатида ўзбекистон Мустақил бўсма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини

Ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини тўла рўёбга чиқаришида устоз-мураббийларнинг билим ва тажрибаси, малакаси катта аҳамиятга эга. Шу боис қай бир таълим муассасаси ўкувчилари салмоқли натижаларни кўлга киритса, унинг асосий омили педагогик жамоанинг маҳорати, ишни ташкил этишдаги самарадорликка боғланади. Соғлом ижодий муҳит, ўзаро эркин тажриба алмашув жараёни тўғри йўлга кўйилган мактабда муваффақиятлар тез кўзга кўринади.

Халқ таълими вазирлиги ташабbusi билан ташкил этилган “Устоз-шогирд мактаблari”нига ўтказиш тажриба алмашув ва узлуксиз малака оши-

“Ustoz-shogird maktabi”

нинг дарсларида мазмундорликни оширишга қаратилган мавзулар юзасидан маъруза ва амалий машгулотлар ўтказилди.

Тренерлар С.Рахимжонова ва З.Эргашева мавзулар юзасидан устозлар билан сұхбат ўтказар экан, уларда кўп йиллар мобайнида йиғилган бой тажрибалари қай тарзда ёш ўқитувчиларга етказиш борасидаги илғор услублар ўрганилди. Бунда янги педагогик технологияларнинг аҳамиятини кўрсатишга хизмат килувчи “Ўқитувчининг касбий имиджи: маҳорат, ижодкорлик, новаторлик”, “Иераҳия техникикаси” (Чархпалак), “Мен ўқитувчиман” деб номланган интеллектуал тест ҳамда “Муаммоли

БОЙ ТАЖРИБА САМАРАСИ

ёш ўқитувчилар маҳорати юксалишига хизмат қилади

риш тизимида кенг кўламда йўл очиб берди. Тошкент вилоят ҳалқ таълими бошқармаси тасаруфидаги умумтаълим муассасаларида 928 нафар олий тоифали, 5628 нафар биринчи тоифали, 13508 нафар иккинчи тоифали ва 10165 нафар мутахассис ўқитувчиларнинг ғарият юритаётган бўлса, 19 та фан ўйналиши бўйича 349 та “Устоз-шогирд мактаблari” ташкил этилди. Ушбу ташабbusi кисқа вақт ичидәёқ ёш ўқитувчиларга амалий методик ёрдам бериш, иш жараёни тўғри ташкил этиш бўйича йўлланмалар бериш борасида сезиларли самарапаларни кўрсата бошлади. Бу, айниқса, яқинда вилоят ХТБ томонидан Оҳангарон туманидаги 5-мактабда “Устоз-шогирд мактаби”га камраб олинган устоз ўқитувчилар учун ўтказилган семинар-тренингда ҳам яққол кўзга ташланди. Унда Ангрен, Олмалик, Оҳангарон шаҳар (туман)лари ўқитувчилари иштирок этди. 58 нафар устоз-ўқитувчилар қатнашган тренинг машгулотларида “Таълим тизимида ёшлар тарбияси”, “Педагогика ва андрогогика”, “Мактаб дарсни лойиҳалаш ҳамда ўкувчиларнинг билимими аниқлаш, ўзлаштирилган ўкув материалларини оғзаки ва ёзма баён этишга йўналтирилган “Зинама-зина” технологиясини дарсларда ишлатиш” каби жиддий, бевосита ёш ўқитувчини фаоллашириш, улар-

тингловчи”, “Агар мен...” мавзуларидаги ижодий ишлар таҳлили барчада катта таассурот қолдирди.

Вилоятда устоз ва шогирдларни танлашда ўқитувчиларнинг иш тажрибаси, уларнинг дарс синфдан ташкири машгулотлари таҳлиллари, ўқитувчи фаолияти давомида ўқитган синф ўкувчиларининг билим самарадорлиги каби кўрсаткичлар инобатга олинди. Шундай тахлиллар натижасида 1047 нафар ўқитувчи устозларга биритирildi. Бугунги кунда “Устоз-шогирд мактаблari”да “Касбий маҳоратни ошириш устахоналари” ташкил этилиб, устоз-шогирдларнинг ҳамкорлик режалари ишлаб чиқилди. Янги ўкув йили олдидан “Устоз-шогирд мактаби”нинг келгусидаги фаолият йўналиши, унинг таълим-тарбия жараёнига кўша жак хиссаси яна бир тахлилдан ўтказилаётганинига нафакат Тошкент вилоятида, балки бутун республика миқёсида ҳалқ таълими тизимида ўз натижаларини кўрсатади. “Баркамол авлод йили”да жорий этилган ушбу янги тажриба ҳар томонлама билимли, юқсак салоҳияти фарзандларни тарбиялаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири сифатида ўз меваларини беришига шубҳа йўқ.

**Х.ХАЙИТБОЕВА,
Тошкент вилоят XTB методика маркази раҳбари**

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚУВИ

кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни модерниза-

ция қилиш ва демократик янгилаш, жамоати эркинлаштириш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш жараёнида олиб борилаётган ўкувчиларнинг мактабларни ташкил этишдаги таҳририятларида малақа ошириши лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад. Корақалпогистон Республикаси, вилоятлардаги бўсма оммавий ахборот воситаларида

листиларнинг билим ва маҳоратини янада юксалтириши, уларни миллий журналистика соҳасида эришилган янгилик ва ютуқлардан боҳабар этиш, илғор иш услубларини оммалаштириш, тарбия ва ташвиқ ва ташкил ишларидан ишлаб чиқади.

Лойиҳанинг 14 августгача давом этадиган навбатдаги бўсқичида иштирокчилар ўтказилган ўқитувчиларнинг республикамиз етакчи таҳририятларида малақа ошириши лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад. Корақалпогистон Республикаси, вилоятлардаги бўсма оммавий ахборот воситаларида малақа ошириётган ўкувчиларнинг фоолияти билан атрофлича танишиладилар. Айни пайдада ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик

палатаси, Мирзо Улуғбекномидаги ўзбекистон Миллий университети, ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, ўзбекистон Экологик ҳаракати, ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида бўлиб ўтадиган миллий матбуотни ривожлантиришиларнинг долзар масалалари оид учрашувлар, давра сұхбатлари, анжуманларда иштирок этадилар. Лойиҳа доирасида ижодкор ёшлар пойтахтимизнинг диккатга сазовор жойларига саҳёт қилиб, энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арасида амалга оширилаётган кенг кўламили бунёдкорлик ишлари билан атрофлича танишиладилар.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири**

SAVOL: 2010-2011 o'quv yilining birinchi sabog'i — Mustaqillik darslarini tashkil etishda o'qituvchi nimalarga yoki qaysi muhim jihatlarga e'tibor qaratishi maqsadga muvofiq?

Habibaxon ZIYATOVA,
Buvayda tumanidagi 16-maktab o'qituvchisi

Yangi o'quv yilining boshlanishiga sanoqli kunlar qolgan ayni damlarda o'qituvchilarda shunday savol tug'ilishi tabiui. Xalq ta'limi vazirligining 2010-yil 7-iyulndagi 167-sonli buyrug'iда O'zbekiston mustaqilligining 19 yilligini munosib kutib olish bilan bog'liq ishlardan biri sifatida Mustaqillik darslarini mazmuni, esda qolarli qilib o'tkazish ekanligi qayd qilinadi. Ana shu maqsadda respublika Ta'limg markazi ijtimoiy fanlar bo'limi xodimlari tomonidan tayyorlangan "Bu yorug' olamda Vatan bittadir" (1-4-sinflar uchun), "O'zbekiston — mening Vatanim, baxtu iqbolim makoni" (5-6-sinflar uchun), "O'zbekiston—ulkan imkoniyatlar, yangiliklar va islohotlar mamlakati" (7-9-sinflar uchun) mavzularidagi bir soatlik dars ishlanmalari. Siz aziz o'qituvchilarining hukmingizga havola qilinmoqda. O'quvchi yoshi, psixofiziologik xususiyatlariha moslab tayyorlangan ushbu ishlanmadan barcha fan o'qituvchilari foydalanishlari mumkin.

**Mavzu: «BU YORUG' OLAMDA VATAN BITTADIR»
(1-4-sinflar uchun)**

Darsning maqsadi:

Ta'limi maqsad: o'quvchilarga mustaqillik bayrami va uning mazmun-mohiyatiga oid bilimlar berish. Davlat ramzlar bilan tanishirish.

Tarbiyaviy maqsad: o'quvchilarning bilim olishlari uchun hukumatimiz tomonidan yaratib berilayotgan imkoniyatlar, Prezidentimizning bolalar ga g'amxo'rliqi, bilim olishning kafolatlanganligi.

Rivojlantruvchi ta'lif: Mustaqillik, davlat ramzlar, Prezident haqidagi bolalar tasavvurini kengaytirish.

Darsning turi: Aralash.

Darsning jahozi:

Didaktik jihoz: Prezident sovg'alar (darsliklar, o'quv qurollari), keng bug'doyzor, moviy osmon, paxta dalalari, Amudaryo va Sirdaryo, Oy, Humo qushi, yam-yashil kengliklar, shodon maktab o'quvchilari va nuroniyarning rasmlari.

Teknik jihoz: diaproektor, ekran. "Vatan tuyg'usi", "Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari" fanlaridan tayyorlangan proektion materialarning mavzuga oid qismidan foydalanish.

O'quvchilarni faollashtirish uchun savollar:

1-savol. — Ushbu rasm-

lardan foydalanib, Mustaqillik bayrami bilan bog'liq belgilarni ko'rsating.

O'quvchilarning taxminiy javoblari: paxta, bug'doy, tabiat, quyosh, tiniq suv, bayroq, gerb.

2-savol. — Davlatimiz bayrog'ida necha xil rang bor va ular nimani anglatadi? Ushbu rasmlar orqali davlatimiz bayrog'iga ta'rif berishga harakat qiling (Davlat bayrog'inining rasmni).

O'quvchilarning taxminiy javoblari: 4 xil: oq, yashil, ko'k, qizil...

3-savol. — Davlatimiz gerbini bilasizmi? Gerbimizda nimalarning rasmli bor? Ushbu rasmlar asosida O'zbekiston gerbiga ta'rif berishga harakat qiling.

4-savol. — Davlat madhiyasi iyo etilayotganda nimalarga e'tibor qaratish kerak?

Davlatimiz madhiyasi birga iyo etamiz (Davlat madhiyasingin musiqasi iyo etiladi, o'quvchilar unga jo'r bo'ladilar).

Davlat madhiyasi iyo etilayotganida, Vatan manzaralarini aks ettiruvchi videofilm namoyish etish maqsadga muvofiqdir.

5-savol. — Davlatimiz siz — bolajonlarga qanday g'amxo'rlik qilmoqda?

O'quvchilarning taxminiy javoblari: maktablar, bog'chalar



qurib berilmoqda, bilim egallashimiz uchun barcha shart-sharoitlar muhayyo.

O'qituvchiga eslatma:

Bolalarning javoblarini birma-bir umumlashtirib borish. Bunda avvaldan tayyorlab qo'yilgan rasmlardan unumli foydalaning va ular yordamida «Mustaqillik», «Davlat gerbi», «Davlat bayrog'i» tushunchalariga izoh berib o'ting. (O'qituvchi davlat tomonidan o'quvchilarga berilayotgan imkoniyatlarni birma-bir sanab o'tadi. 1-sinf o'quvchilariga Prezident sovg'alarini ko'rsatadi.)

Prezident sovg'asi bolalarga bildirilayotgan yuksak ishonch ekanligini aytib, o'qituvchi ularga bu g'amxo'rlikka javoban a'lo o'qishlari va namunali xulq egasi bo'lishlari lozimligini tushuntiradi.

O'qituvchi ushbu darsda shoirlarimizning Vatan haqidagi she'rlaridan namunalar o'qib beradi va ulardan ham o'zlar bilgan she'rlarni so'raydi.

Har bir o'quvchi dars jarayonida faol ishtirot etishga undaladi, rag'batlantiriladi.

Uyga vazifa: "Mustaqillik" so'zi ma'nosini anglatuvchi rasmlarni to'plash. To'plangan rasmlarni izohlab berish.

Darsning maqsadi:

Ta'limi maqsad: o'quvchilarga mustaqillik bayrami va uning mazmun mohiyatiga oid bilimlar berish.

Tarbiyaviy maqsad: yosh avlod qalbida vatanparvarlik tuyg'ularini o'stirish, ularning kelajakda ruhan pok, irodasi baquvvat, vijdonan uyg'oq bo'lishini ta'minlash, qalbida insoniy fazilatlarni shakllantirish.

Rivojlantruvchi ta'lif: o'quvchilarning mustaqillik, erk va vatanparvarlik haqidagi dunyoqarashlarini o'stirish.

Darsning turi: aralash.

Darsning usuli: "Muzyorar", suhbat, ko'rgazmalilik, bahs-munozara, guruhlarda ishslash.

Darsning jahozi:

Didaktik jihoz: Vatanimiz tarixiga oid rangli suratlar, alloma va buyuk shaxslar portreti, "Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari" darsligi, Prezident Islom Karimovning "Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch" kitobi, tarqatma materiallari, slaydlar.

Teknik jihoz: Diaproektor, ekran. "Vatan tuyg'usi", "Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari" fanlaridan tayyorlangan proektion materiallardan mavzuga oid qismidan foydalanish.

Darsning borishi:

Dars boshida sinf o'quvchilari uchta katta guruhga bo'linadi.

O'qituvchi darsni "Muzyorar" metodidan foydalanib, tanishuv mashg'uloti bilan boshlaydi. Bunda har bir o'quvchi oldin o'z ismini, so'ng ismidagi bos harf bilan boshlanuvchi o'zidagi bitta fazilatni aytishi kerak. Masalan, Xurshida — xushmuomala, Kamol — kamtarin va hokazo.

Bugungi mavzu: O'zbekiston — ulkan imkoniyatlar, yangilanishlar va islohotlar mamlakati.

Mavzu: "O'ZBEKISTON — ULKAN IMKONIYATLAR, YANGILANISHLAR VA ISLOHOTLAR MAMILAKATI"
(7-9-sinflar uchun)

(O'qituvchi sinf taxtasiga yozib qo'yilgan yangi mavzuni tushuntirish davomida uchraydigan tayanch so'va iboralar ma'nosini o'quvchilar faolligiga tayangan holda izohlab beradi).

O'quvchilarni faollashtirish uchun savollar:

1. Mana, bugun o'quv yilining birinchi kuni, maktabga kelishiningizdan oldin o'zingizga qanday maqsad qo'ydingiz?

O'quvchilarning javoblari umumlashtiriladi. (Har bir o'quvchi qisqa-qisqa fikr bildiradi. Agar 9-sinf o'quvchilar bo'lsa, savolni davom ettirib: "Kelgesida qaysi kasb egasi bo'lmochisiz?" degan savol berishi ham mumkin.)

2. O'zbekistonda sizning ertangi kuningiz uchun qanday imkoniyatlar mavjud?

O'qituvchi o'quvchilarning javoblarini umumlashtirgan holda hududdagi yangi qurilgan zamonaviy maktab, kollej, akademik itsey binolari hamda sport inshootlarining rasmini ko'rsatadi va ularning nomiarini sanab o'tadi.

3. "Xotirjamlik", "tinchlik", "totuvlik", "imkoniyat", "mustaqillik", "baraka", "bag'rikengilik", "iqtisod", "qadrivat", "ma'naviyat" so'zlarini izohlashga harakat qiling. Ushbu so'zlardan hikoya tuzishga harakat qilib ko'ring.

Javoblar umumlashtiriladi.

O'qituvchi: Hurmatli o'quvchilar! O'tgan asrning so'nggi davrida o'zbek xalqi olamshumul yutuq — mustaqillikka erishdi. Butun O'zbekiston xalqi 1991 yilning 31

avgustida o'zining mustaqill davlat ekanligini e'lon qildi. Prezidentimiz Islom Karimov aytganlardek: «Mustaqillik — ma'naviy tiklanish va va yuksalish demakdir». O'tgan 19 yil mobaynida katta muvaffaqiyatlarga erishildi. Shu davr ichida qo'liga kiritilgan yutuqlarni sarhisob qilib, belxiyor har bir vatandoshimizning qabli faxrga to'ldi.

Istiqlol davrining yilma-yil tahlii yana bir muhim xulosani aytishga asos beradi: o'n to'qqiz yilda O'zbekistonimizning siyosiy, iqtisodiy, ma'naviy qiyofasi batamor o'zgardi. Odamlar tafakkurida yuksalish ro'y berdi. Bugungi xalq o'n to'qqiz yil burungi xalq emas. Bu o'garishlar o'n-o'n besh yıldan keyin yana qanday shirin mevalar berishini bir ko'z o'ngimizga keltirib ko'raylik. Shunda ko'ngilga baxtiyor umidbaxshlik, shukr va faxr hissi inadi.

Mamlakat hayotida yuz berayotgan o'zgarishlarni uchta — siyosiy, iqtisodiy va ma'naviy islohotlarga bo'lib tahlii etish mumkin.

Siyosiy jihatdan O'zbekiston Respublikasi jahondagi teng huquqli mustaqill davlat sifatida yuz ko'rsatdi. Xalqaro maydonda munosib o'rinn egalladi. O'z ovoziga, o'ziga xos mavqega ega bo'ldi.

O'zbekiston o'z mustaqilligini qo'iga

kiritgach, davlat ramzlariga ega bo'ldi. O'z tili, Qomusi, gerbi, bayrog'i, Prezidenti, madhiyasi, chegarasi, valyutasi va milliy armiyasiga ega bo'ldi.

Iqtisodiy jihatdan mustaqillik yillarda iqtisodiy mustaqillikka erishdi: avtomobil va transport sanoati rivojlandi. Davlatimiz g'alla mustaqilligiga erishdi. Mamlakatimiz agrar davlatidan industrial mamlakatga aylandi. Avallari mamlakatimiz xomashyo bazasi bo'lgan bo'lsa, endilikda tayyor mahsulotlarni eksport qiluvchi rivojlanayotgan mamlakatlar qatoriga qoshildi.

Shahar va qishloqlarimiz qiyofasi o'zgarib, chiroy ochdi. Yangi qurilgan kollej, litsey, maktablar, olyi o'quv yurtlari, madaniyat maskanlari, zamonaviy bozor, uy-joylar ham iqtisodiy salohiyatimizdan dalolat beradi.

Ma'naviy jihatdan yurtimizdag'i o'zgarishlarga alohida to'xtalish lozim. Til, tarix, meros, din, urf-odatlar, an'ana va qadriyatlar, adabiyot va san'atga bo'lgan munosabatning o'zgarganligini misollar bilan sanab sanog'iga yetish qiyin.

Murakkab iqtisodiy sharoitlarga qaramay, xalq kelajagi uchun ta'lim tizimiga katta-katta mablag'lar ajratilmoqda...

Uyga vazifa sifatida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 17 yilligiga bag'ishlangan tantanali yig'ilishdag'i ma'rurasidan foydalangan holda quyidagi jadvalni to'ldirishga harakat qiling.

Ta'lim sohasidagi islohotlar	Siyosat sohasidagi islohotlar	Huquq-tartibot sohasidagi islohotlar	Madaniyat va sport sohasida erishligan yutuqlar

Savol bering, javob beramiz!

Mavzu: "O'ZBEKISTON — MENING VATANIM, BAXTU IQBOLIM MAKONI"
(5-6-sinflar uchun)

Darsning maqsadi:

Ta'limi maqsad: o'quvchilarga mustaqillik bayrami va uning mazmun-mohiyatiga oid bilimlar berish.

Tarbiyaviy maqsad: yosh avlod qalbida vatanparvarlik tuyg'ularini o'stirish. Mustaqillik, erkinlik, Vatanga hurmat, qadriyatlar ulug'lash, o'zlikni anglash tuyg'ularini shakllantirish.

Rivojlantruvchi maqsad: — mustaqillik, erk va vatanparvarlik haqida yoshlar dunyoqarashini o'stirish.

Dars turi: Aralash.

Dars usuli: "Aqliy hujum", savol-javob, guruhlarda ishslash.

Darsning jihoz:

Didaktik jihoz: Vatanimiz tarixiga oid rangli suratlar, alloma va buyuk shaxslar portreti, "Vatan tuyg'usi" darsligi, Islom Karimovning "Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch" kitobi, tarqatma materiallari, slaydlar.

Texnik jihoz:

diaproektor,

ekran.

"Vatan tuyg'usi", "Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari" fanlaridan tayyorlangan proektion materiallarning mavzuga oid qismidan foydalanan.

Darsning borishi:

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ҲАМДА ВИЛОЯТ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲАМКОРЛИГИДА "МАННАВИЯТГА ТАҲДИД – ЎЗЛИГИМИЗ ВА КЕЛАЖАГИМИЗГА ТАҲДИД" МАВЗУСИДА ЎҚУВ-СЕМИНАР БўЛИБ ЎТДИ.

159 нафар иштирокчи таклиф этилган мазкур ўқув-семинарда мактабгача таълим тизими узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланган. Давлат талаблари, тарбиячиларнинг иш юкламали, болалар ривожланишига кўйиладиган давлат талаблари асосида уларнинг кўникума ва малакаларини аниқлаш мезонларини амалиётга татбиқ этиш кун тартибидаги асосий масалага айланди. "Устоз-шогирд мактаби"ни ушбу тизимга ҳам жорий этиш, тарбиячиларнинг педагогик маҳоратини оширишга эътибор қаратиш, боланинг шахс бўлиб шакланишида нафоқат муассаса, балки оила, маҳалла фоллари ҳамда кенг жамоатчиликнинг ўрни бекиёс эканлиги масалалари муҳокама қилинди.

М.АЛИМТОЕВА,
Мактабгача таълим муассасалари
бўлими бошлиғи


САМАРКАНД ВИЛОЯТ ЎҚУВЧИЛАР ТЕХНИК ИЖОДИЁТ МАРКАЗИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН ТЎГАРАКЛАР ТУФАЙЛИ ЁЗ ФАСЛИ БОЛАЛАР ХОТИРАСИДА ТАШАББУСКОРЛИК ВА ЗАВКЛИ ОНЛАР ТИМСОЛИ СИФАТИДА МУХРЛАНИБ ҚОЛАДИГАН БўЛДИ. «ЁШ ТЕХНИКЛАР» СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЙДОНЧАСИННИГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ЭСА БОЛАЛАР УЧУН ЧИНАКАМ КУВОНЧЛИ ВОҚЕАГА АЙЛАНДИ.

Айни пайтда ушбу масандаги мавжуд 23та тўғракка 1975 нафар ўқувчи жалб қилинган. Ёш рассом, бишиш-тишиш технологияси каби кўплаб бошқа тўғракларнинг иши ҳам икки смена асосида йўлга кўйилган бўлиб, машгулотлар тажрибали мутахассислар раҳбарлиги остида олиб борилмоқда.

Таълим масканимизда ўқитувчиларнинг болалар билан индивидуал иш олиб бориши масаласига алоҳида эътибор қарати-

лади, — дейди марказ директори Ш. Саъдинов. — Бу — таълим самарадорлигининг ошиши ҳамда ўқувчи имкониятларининг тўлиқ юзага чиқиши учун яхши имконият. Болалар ўзлари тайёрлаган ва кашф этган ижодий ишларини кўргазмалар орқали намойиш этишиди. Мураббий ва тарбиячилар томонидан турли мавзууларда давра сұхбатлари, баҳсмунозаралар ташкил этилади.

**Ҳаким ЖЎРАЕВ,
"Ma'rifat" мухбари**



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АНГREN ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАКИЛЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАБ "ЎЛАН АЙТГАЛИ КЕЛДИК" МАВЗУСИДА АНЬАНАВИЙ ФОЛЬКЛОР САНЪАТИ БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛДИ.

Тадбирни ташкил этишдан мақсад, мустақиллик даврида қайтадан тикланган ҳалқ ижодиётининг қадими жанрларидан бири — ўлан ижроилиги санъатини янада ривожланиши, ёшларимизнинг қизиқишиларини ошириш, ёш ижроиларнинг фолијатини кенг тарғиб этишдан иборат эди.

Тадбир доирасида Тошкент вилюятида фаолият кўрсатётган хунармандлар ва ҳалқ амалий санъати усталари томонидан тайёрланган ижодий ишлар кўргазмаси ҳам намойиш этилди. Шунингдек, шу куни бадиий ҳаваскорлик жамоалари раҳбарлари ҳамда тадбир қатнашила-

ри иштирокида фольклоршунос олимлар ва мутахассислардан иборат республика Фольклор кенгашининг "Баркамол авлод тарбиясида номоддий маданий мероснинг тутган ўрни" мавзууда илмий-амалий анжумани ҳам бўлиб ўтди.

"Ўлан айтгали келдик" аньанавий фольклор санъати байрамининг фаол қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ангрен шаҳар ҳокимлигининг диплом ва фарий ёрликлари топширилди.

**Муҳаммаджон
КОЗОҚБОЕВ**

ТУРКМАНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎТКАЗИЛГАН «АВАЗА ДЎСТЛИК ЎЛКАСИ» ДЕБ НОМЛАНУВЧИ ИКТИДОРЛИ ЎШЛАРНИНГ ҲАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИДА ИШТИРОК ЭТИБ, СОВРИНДОРЛИК ДИПЛОМИНИ ОЛИБ ҚАЙТИШГА МУВАФФАҚ БўЛГАН 24-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИННИНГ 6-СИНФ ЎҚУВЧИСИ САРVARБЕК ЙЎЛДОШЕВ БИЛАН МУЛОҚОТИМИЗ ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧДИ.

Санъатга ихлосманд ўғлоннинг ёрқин фикрлари, дадиллиги, дунё ва илм ҳақидаги таъсаввурлари фоятда гўзал. Унглиз тилида равон гапира олади ва ашуаларни ҳеч қийналмасдан ижро этади.

— Фестивалнинг гала концертида Л.Италияно мусиқаси, Тото Кутунъо сўзи билан «Италияно» ашуласини ижро этдим, — деб Сарварбекнинг чехрасида ҳаяжонланиш сезилади. — Фестивалга МДҲ давлатларидан ташқари Германия, Африка, Хитой, Япония, Корея ва яна бир қанча мамлакатлардан меҳмонлар ташриф буюришди. Мен италиянча ашуулани айтар эканман, фестивалга келган италияниклар ўринларидан туриб қарсаклар билан жўр бўлишиди. Фестивалнинг ёпилиш тантанасида эса К.Отаниёзов сўзи ва мусиқаси билан "Ватаним" ашуласини ижро этдим.

Сарварбек ўқув муассасасида устози Бахтиёр Исмоиловдан қашқар рубоби бўйича ҳам таҳсил олаётir.

2009 йилнинг ноябрь ойида Тошкент

шахрида ўтказилган "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали лауреати бўлган нафис истеъодд эгаси Сарварбек Йўлдошевни педагоглар сулоласининг давомчилари бўлган ота-онаси ҳам қўллаб, мададкор бўлиб туришади. Кези келганида зарур маслаҳатлар беришади. Унинг онаси Сайёра — Урганч ижтимоий-иктисодиёт касб-хунар коллежида, отаси Ўқтамбой эса Урганч туризм колледжа баркамол авлод тарбияси йўлида фаолият кўрсатиб келишаётir.

— Истиқлол йилларида ўшларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди, — дейди ўғлининг муваффақиятларидан кувонган она, — айниқса, уларнинг илм-хунар эгаллашлари, ўз қобилиятларини намоён қилишлари учун бугунги кунда барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳар гал оиласидаги сұхбат улкан режаларга замин бўлади...

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ТАЛАБАЛАР УЙИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ 300 НАФАР ЙИГИТКИЗИНИ БУ ЕРГА КЕЛТИРИЛГАН ЯНГИ ЖИХОЗЛАР ҚУВОНТИРИШИ ТАБИЙ.

2010-2011 ўқув йилида талабалар яшаш шароитини яхшилаш мақсадида нафақат таъмирлаш ишларига эътибор қаратилди, балки моддий базани ҳам мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилиб, 2та музлаткич ва 4та телевизор улар ихтиёрига берилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, талабалар уйидаги ахборот-ресурс марказида компьютерлар сони 4тага кўпайдиган бўлди.

Институтда янги ўқув йилига тайёргарликнинг пухта эканлигини 382та ўқув хонасини кўздан кечирган киши ҳам дарҳол сезади. Талабалар таътилга чиқиб, аудиториялар бўшаши билан ҳар бир хонадар зарурӣ таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2009-2010 ўқув йилида 5771 турдаги ўқув-техник воситалар харид қилинган умумий миқдори 8 миллион сўмига ахборот-ресурс маркази учун бадиий ва илмий адабиётлар келтирилди. Улардан талабаларгина эмас, балки профессор-ўқитувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

— Бу ўқув йилида 22 йўналиш бўйича 1360 нафар талабани институтимизга қабул қиласиз. Уларнинг илм эгаллаши, ўз мутахассисларни бўйича педагог бўлиб етишишлари учун шартшароитни мумкин қадар яхшилашимиз зарур, — деда изоҳ беради институт проректори Абдуқодиров.

Х.ТЎЙМАНОВА

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ДОИМИЙ РАВИШДА ТАХЛИЛ ЭТИБ БОРИЛИШИ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММО ВА ТҮСИКЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА БАРТАРАФ ЭТИШДА ҚЎЛ КЕЛАДИ.

Қолаверса, ўқув йилини турфа янгиликлар билан кутиб олиш анъанага айланган. Август кенгашлари олдидан Чилонзор туманидаги 182-мактабда ташкил этилган ўқув-семинарда педагогларга ана шундай янгиликлар етказилди. Методирилашма бошликлари, мактаб директорлари ва уларнинг ўринбосарлари шўъба йигилишида Умумий, ўрта маҳсус касб-хунар таълим миннинг узвийлаштирилган давлат таълим стандартлари шарҳлари ва ўқув дастуридаги ўзгаришларни мухокама қилдилар. Чилонзор туман ХТБ методисти Марҳабо Фофурова ва 281-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Муборак Иноятхўжаева дарсларни мазмунан тақомиллаштириш соҳасидаги янгиликлар, бу жараёнда мактаб раҳбарлари зиммасидаги вазифаларга тўхталиб ўтдилар.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишининг рейтинг тизимидағи ўзгаришлар ва уларни амалиётга жорий этиш масаласи 2-шўъба йигилиши мухокамасига кўйилди. Унга кўра, ўқув жараёндаги асосий эътибор ўқувчининг бор имкониятларидан фойдаланиш масаласига қаратилди. 3-шўъба йигилишида эса умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иш юкламасини белгилаш ва тақсимлаш тартиби асосида шахсий режаларини ишлаб чиқиш масаласи кўриб чиқиди. Бунда, асосан, иштирокчиларга мактаб ўқитувчиларининг иш юкламасини белгилаш ва тақсимлашнинг янги тартиби ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, «Устоз-шогирд» мактабининг навбатдаги вазифалари белгилаб олинди.

Анвар КОБИЛОВ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИДАГИ 35-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ҚОШИДА ОЧИЛГАН «ОЛТИН БАЛИҚЧА» БОЛАЛАР ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОХИДА 150 НАФАР БОЛАНИНГ ҲОРДИК ЧИҚАРИШИ УЧУН ҲАММА ШАРОИТЛАР МАВЖУД. ТУМАНИ КЎРҒОНЧА ҚИШЛОГИДАГИ «БАЛИҚЧИ» ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ДАМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ УЧ МАВСУМ ДАВОМИДА ОВҚАТЛАНИШИ УЧУН 4 МЛН. СЎМ МАБЛАГ АЖРАТДИ.

Оромгоҳда «Немо», «Балиқчи», «Камалак», «Аланга», «Бинафша», «Кузнецчик» деб номланган 6 гурӯх мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирига 25 нафардан бола бириттирилган.

Майсара Сатторова, Зебо Одилова, Шоира Усмонова ва бошқа жонкуяр мураббийлар боалаларнинг тўлақонли дам олиши учун тажриба ва маҳоратини аямасдан ҳаракат қўлмоқда. Доимий равишида фолијият юритаётгандан «Миллий ҳарачатли ўйинлар», «Мерос», «Моҳир кўллар», «Юмшоқ ўйинчоқлар» сингари тўгараклар




САВОЛ: Хурматли таҳририят!

2010-2011 ўқув йили учун 9-синф «Адабиёт» дарслиги босилиб чиққанидан хабар-дормиз. Билишни хоҳлардикки, дарсликда қандай ўзгаришлар бор, адабиёт машғулотларини олиб боришида қандай замонавий усуллар, ёрдамчи воситалардан фойдаланиш тавсия килинган? Шулар ҳақида маълумот берсангиз...

Нарпай туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактаби
ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

АДАБИЁТ – ТОЗА РУҲ



Тоза руҳди, поки-за кўнгилли кишида-гина эзгуликка, ях-шиликка, олижаноб-ликка майл бўлади. Покиза кўнгил ва тоза руҳ эса, ўз-ўзи-дан пайдо бўлиб қол-майди. Уларни қарор топтириш, шакллан-тириш учун ҳар бир одам тозариш йўлини ўташи, ўзгалар-нинг кўнглидаги ҳолатларни илғайди-ган даражага кўтари-лиши лозим. Инсонни шундай рутбага кўтарадиган, уни ин-сон сифатида баланд бўлишга рағбатланти-радиган асосий воси-талардан бири адаби-ётдир. Дарҳақиқат, адабиёт – сўз санъа-ти, инсоният даҳоси яратган сирли сеҳрли мўъжиза, ду-нёдаги туганмас ха-зинанинг бириди. Инсон ва унинг та-биати, қалби, руҳия-тини кашф этишда ҳеч бир соҳа адабиёт билан тенглаша ол-майди, унинг ўрни-ни босолмайди.

Таъбир жоиз бўлса, "Yangiyo'l poligraph service" нашриётида яқинда чоп этилган 9-синф "Adabiyyot" (муаллифлар: К. Йўлдошев, В. Қодиров ва Ж. Йўлдош-беков) дарслиги юқоридаги мақсад-ларни амалга оширишга хизмат қила-ди.

Дарслик "Халқ оғзаки ижоди", "Ўзбек адабиёти та-рихи", "Янги ўзбек адабиёти" ва "Жаҳон адабиёти" бўлимла-ридан иборат. У ўз ичига, бизнингча, энг яхши асарлардан парчаларни жам-лаган. Мазкур наму-налар инсон ва унинг руҳиятидаги эври-лишлар, зиддият ва мураккабликларни акс эттириш, одамини эзгуликка, инсонпар-варликка чорлаш, ушбу хислатларни инсонда қарор топти-ришга йўналтиради. Танланган асарлар-нинг ҳар бири учун муҳтасар тарзда ма-қола, таҳлил берилган. Муаллифлар адилблар ҳаёти ва ижоди ҳақиқидаги маънавиятини юксалтириш, маънавиятини юксалтириш каби мақсадларни юйган экан, муаллиmlар таълим олди-да турган мазкур мақ-садни амалга оширишда, дарслик билан иш-лашда миллат фарзандларни камолга етказишидаги асосий вазифани бажараётган-ликларни унумтас-ликлари ва дарслик муаллифларининг куйидаги мақсадларини дикқат марказида тутишлари лозим: авва-ло, дарслик янги педагогик талабларга му-вофиқ ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишга йўналтирилди; дарсликда ўргани-лиши кўзда тутилган ҳар бир асар, ҳар бир адабий сиймо бўйича болаларнинг ўз фикрлари, қарашлари бўлиши лозимлиги кўзда тутилди; дарслик

аюян асар таҳлилида ҳам имкон борича их-чам, қисқа ва лўнда, энг муҳими, яхлит та-саввур уйғота оладиган мулоҳазаларини баён этгандар.

Дарслик ҳажми ҳозирги талабларга кўра, аввалгисига нис-батан сезиларли дара-жада қисқартирилди. Таъкидлаш жоизки, буғунги кунда республика-миздаги умумтаълим мактаблари кутубхоналари бадий адабиётлар билан таъминланган. Адабиёт ўқув дастуридан ўрин олган бадий адабиётлар ва қўшимча адабиётларнинг деярли ҳаммаси мактаб кутубхоналарида мавжуд.

Шуни назарда тутиб, асарларнинг тўлиқ ўқилишини кўзда тутган ҳолда таҳлил қилиш учун берилган савол-топшириқлар бирмунча кўпайтирилган.

Дарслик ўз олдига эркин фикр кишиси-ни тарбиялаш, инсо-ний фазилатларини та-комиллаштириш, маъ-навиятини юксалти-риш каби мақсадларни юйган экан, муаллиmlar таъlim олди-да турган мазкур мақ-садни амалга оширишда, дарслик билан иш-лашда миллат фарзандларни камолга етказишидаги асосий вазифани бажараётган-ликларни унумтас-ликлари ва дарслик муаллифларининг куйидаги мақсадларини дикқат марказида тутишлари лозим: авва-ло, дарслик янги педагогик талабларга му-вофиқ ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишга йўналтирилди; дарсликда ўргани-лиши кўзда тутилган ҳар бир асар, ҳар бир адабий сиймо бўйича болаларнинг ўз фикрлари, қарашлари бўлиши лозимлиги кўзда тутилди; дарслик

ривожланишига кўра китобда битилган ҳар қандай фикрга ҳам та-нқидий қарай олиш, ўз қарашларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўладилар. Чунончи, "Алномиш" достони бўйича "Барчинойнинг Алномишига қарата айтган аччиқ сўзлари алға бу қадар қаттиқ таъсир қилганлиги сабабини изоҳланг", "Сизнингча, "Алномиш" достони муҳаббат ҳақидами, юртсеварлик тўғрисидами, ошиқлик шаъни ҳақидами ёки йигит ори тўғрисидами?" тарзида, "Усталар ишидан ҳайратланишида, уларнинг касбларига, кўнгил бериб ўрганишида Фарҳоднинг қандай маънавий фазилатлари намоён бўлган", "Ўткан кунлар" романидаги: "Ақлли кишиларнинг ўғилари устидан қилган ишлари, албатта, номаъкул бўлмас, — деди. Ҳожи ўғлининг бу жавобидан ерга қарди ва нима деб давом қилиши билмай қолди" тасвиридаги ота ҳолати сабабини изоҳланг, "Отабекнинг "... натижани тезроқ эшишиб олиш учун юраги қайнаган ошдек шопирилар эди" каби саволлар фикримизнинг далилидир. Муҳими, дарсликдаги бадий асарлар матни юзасидан болаларнинг ҳар бири ўз даражасида фикрлаб, ҳаётий ҳақиқатни асар таҳлили давомида ўзлари қашф этадилар.

Машғулотларни ташкил этишда турли замонавий усуллар билан бирга, интернет, «Зиёнет» маълумотларидан фойдаланиш яхши натижага беради. Жумладан: Алишер Навоий ҳақида, унинг "Хамса" асари, газалларини ўрганишда <http://www.navoiy.ru> сайтидан, дастурда берилган бошқа ижодкорлар ҳақидаги қўшимча маълумотларни literature. Uz. ҳамда ziyo uz. kom. сайтларидан олиб фойдаланилса, ўқувчи қизиқишлари ва эҳтиёjlари қондирилиши мумкин.

Н. ФУЛОМОВА,
РТМ филология
фанлари бўлими бош
методисти

Savol bering, javob beramiz!

САВОЛ: Кейинги йиллари турли соҳаларга доир луғатлар, қомуслар кўплаб нашр этилмоқда. Бу биз – ўқитувчиларнинг ўқувчиларга билим беришимизда катта ёрдам бермоқда. (Афсуски, уларнинг баъзилари жуда кам нусхада чиқарилмоқда.) Мен тил адабиёт музаллимиман. Ўз соҳамга оид янги адабиётлар билан имкон қадар мунтазам танишиб бораман. Лекин улар орасида она тилимиз ҳақида тўлароқ маълумот берадиган қомусий китобни учратмадим. Шундай китоб нашр қилинганми?

Нурмамат НАҲАНГОВ,
ЎзДЖТУ қошидаги З-сон академик
лицейнинг олий тоифали ўзбек тили ва
адабиёти ўқитувчиси

ТАҲРИРИЯТДАН: – Ҳа, шундай китоб – «Она тили» қомуси яратилган. Ушбу саҳифада мазкур қомус тўғрисидаги ихам тақризни ўқийсиз.

ОНА ТИЛИ ҚОМУСИ

Она тили таълими жа-раёнида ўқувчиларнинг тилнинг сўз бойлигини эгаллаши унинг лексикаси бўйича тил имкониятларини кўллай олиши матний топшириқларни бажаришида намоён бўлади. Нутқ бойлигини оширишда лексика ва у бўйича олиб бориладиган машғулотларнинг ўрни бошқа бўлимларга нисбатан бекиёс даражада устун. Шунинг учун таълим воситалари сирасида ўқув луғат ва қомусларининг вазифаси катта. Она тилининг репро-дуктив таълимида ўқув

ONA TILI

QOMUS

чилар учун фақат "Имло луғати" мавжуд. Лекин у ҳам бошлангич синф ўқувчиларининг савод чиқариши учун мўлжалланган. Албатта, эгалланни зарур билимларни ўзида жамлаган дарслик учун эса, изланиши манбалари ҳам шарт эмас.

Кўринадики, она тили таълим минг янги мақсадига янги тиғдаги алгоритмик дастур-дарслик ва унга ҳамроҳ ранг-баранг таълим воситалари ёрдамида эришиш мумкин. Бундай дастур-дарслик асосида тадбиркор, ахборот манбаидан тўғри, оқилона, унумли, самарали ва тез фойдалана оладиган, ўз шароитида уларни онгли ва мақсадли кўллашга қодир баркамол шахс вояга етади.

Таълим жараёнидаги ислоҳотларнинг алоҳида кўринишларидан бири қабул имтиҳонларининг тест кўриниши жорий этилаётганлигидир. Мак-

Раъно
САЙФУЛЛАЕВА,
Филология фанлари
доктори, профессор

**БЕЗАК ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШГА
ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ШАРТ!**

САВОЛ: — Янги ўқув йили олдидан ҳар бир синф раҳбари ва фан ўқитувчиси ўз фан хонасини безаши, дарсларга тайёрланишда нималарга эътибор бериши зарур?

Б.ИСРОИЛОВА
Самарқанд вилояти

ЖАВОБ: — Мактабни, синф ва фан кабинетларини безаш Халқ таълими вазирлигининг тегишли бўйруғига мувофиқ Мънавий-мърифий ишлар бўлими томонидан

кўрсатилган тавсиялар асосида амалга оширилиши зарур. Бунга кўра, фан кабинетлари предмет спецификасидан келиб чиқиб жиҳозланиши, фанга оид кўргазмали куроллар ва плакатлар билан безатилган бўлиши керак. Мактабни, синфи безашдаги кўргазмали куроллар ва плакатлар ўқувчилар билим, кўнима ва малакаларини юксалтиришига ва бу билан таълим сифатини оширишига, дунёқарашни кенгайтиришига хизмат қилиши шарт.

**УСТАМА ҲАҚИ БЕЛГИЛАШДА НИМАЛАРГА
ЭЪТИБОР БЕРИШ ДАРКОР?**

САВОЛ: — Мени яқинда мактаб директорлигига тайинлашди. Сентябрь ойидан бошлаб Мактаб директор жамғармасидан бериладиган устама ҳақни белгилашда нималарга эътибор беришим керак?

С.ХОДЖАЕВА,
Тошкент шахридаги
46-мактаб директори

ЖАВОБ: — Умумтаълим муассасаларининг ўrnak кўрсатган ходимларни рағбатлантиришининг директор жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2005 йил 21 декабрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сонли қарорининг

4-иловасидаги “Умумтаълим муассасаларининг ўrnak кўрсатган ходимларни рағбатлантиришининг директор жамғармаси тўғрисидаги Низом” билан тартиба солинган.

Директор жамғармаси хисобидан ўrnak кўрсатган ходимларнинг базавий тариф ставкаларига ойлик устама белгилаш ўюли билан моддий рағбатлантиришни ташкил қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2005 йил 30 декабрдаги 41-сон, 5067-сон ва 84-01-1375-сон кўшма қарори билан тасдиқланган “Умумтаълим муассасалари қошидаги маҳсус комиссиялар тўғрисидаги Низом” билан белгиланган.

**ЯНГИ МАКТАБ ҚУРИЛДИ: ДИРЕКТОР
ЗИММАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР**

САВОЛ: — Янги мактабни қабул қилишда раҳбар нималарга эътибор бериши керак, агар қурилиш ишлари кечикеётган бўлса ким жавобгар бўлади: қурилиш ташкилотими ёки мактаб маъмурияти?

А.ЖОВУНОВ
Самарқанд вилояти

ЖАВОБ: — Янгидан қурилаётган ёки капитал реконструкция қилинаётган мактабларда туман (шахар) ҳокимлари қарори билан мактаб раҳбарияти, қишлоқ фуқаролар йигини раиси, маҳалла фаоли, фахрий ўқитувчилардан иборат шаклда тузилган жамоатчилик комиссиялари пудратчи томонидан амалга оширилаётган қурилиш ишлари сифатини назорат қиласи, келтирилаётган асосий қурилиш материалларининг сертификати мавжудлиги, уларнинг сифати тўғрисида журналига қайд қилиб боради. Бино қурилиши битказилгандан сўнг қабул жараённида

иштирок этади, агарда камчиликлар мавжуд бўлса, унга далолатнома тузиб, ҳудудий ишчи комиссияга тақдим этади. Ҳудудий ишчи комиссияси томонидан камчиликларни бартараф этиш бўйича пудратчига муддат берилади; барча камчиликларни бартараф этилгандан сўнг, ишчи комиссияси далолатномалари расмийлаштирилади. Ишчи комиссияси томонидан мактабни тўлиқ фойдаланишга қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида Давлат қабул комиссиясига маълумот киритилади.

Агарда мактаб қурилишида ишларнинг бориши белгиланган графикдан ортда қолса, у ҳолда пудрат-тендер танловларида голиб бўлган пудратчи ташкилот ҳамда буюртмачи вазифасини амалга ошираётган ҳудудий ҳокимлик қошидаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжениринг компанияси раҳбарияти жавобгар хисобланади. Мактаб раҳбари мазкур обьектнинг белгиланган муддатда ишга туширилиши юзасидан маҳаллий ва ҳудудий ҳокимликка тегишли хат билан мурожаат этиши лозим.

**ФУТБОЛ МАКТАБИГА НЕЧАНЧИ СИНФДАН
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ?**

САВОЛ: — Ўзбекистонда ихтисослаштирилган футбол мактаблари сони қанча? Уларга неча нафар ўқувчи қабул қилинади? Қабул тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

Ф.ТЎРАБОЕВ,
Косонсой тумани

ЖАВОБ: — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида 30 та футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернат мавжуд.

2010-2011 ўқув йилида футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига жами 1005 нафар ўқувчи қабул қилиниши режалаштирилган.

Футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига қабул

Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2010 йил 19 авгуустдаги 31-сон ва 25/кк-сон кўшма қарори билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2009 йил 30 авгуустда 2001-сон билан рўйхатга олинган Низом асосида ташкил қилинади. Ушбу Низомга асосан футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатига жисмоний жиҳаддан тайёрланган, футболга қобилияти бўлган, умумтаълим мактабининг 4-синfini тутатган (10-11 ўш), футбол билан шуғулланган, танлов имтиҳонларидан меваффакиятли ўтган ўқувчилар танлов натижалари асосида қабул қилиниши белгилаб қўйилган.

Savol bering, javob beramiz

**ЎҚИТУВЧИ ЮРИТАДИГАН
ХУЖЖАТЛАР**

САВОЛ: — Мактабда янги иш бошлаган ўш ўқитувчи қандай хужжатлар билан ишлайди?

Ҳасан ЯЛЛАЕВ,
Қарши шаҳри

ЖАВОБ: — Ўқитувчи томонидан қўйидаги хужжатлар юритилади ва маъмурият томонидан назорат қилинади:

- ийллик иш режаси;
- тарбиявий ишлар режаси (синф раҳбари учун);
- тақвим-мавзу режа;
- дарс конспекти;
- дарс кузатиш дафтари;
- синф журнали.

Устоз ўқитувчиларга бириктирилган ўш шогирдлар уларнинг ўйтларига суняди.

**ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИНИНГ ОФИРЛИГИ
ҚАНЧА БЎЛИШИ ЛОЗИМ?**

САВОЛ: — 1-синф ўқувчиси-нинг жисмоний ва психофизиологик ҳолатига кўра мактаб сумка-сидаги ўқув-ёзув қуроллари оғирлиги қанча бўлиши керак?

Г.УЗОҚОВА
Шахрисабз шаҳри

ЖАВОБ: — СанПИН 0218-07-нор-

маларига кўра, 1-синф ўқувчиси-нинг жисмоний ва психологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, кундалик зарур дарсликлар ва ўқув анжомларнинг умумий оғирлиги 1,5-2 кг.дан ошмаслиги керак (мактаб портфели оғирлиги бундан мустасно).

**ҚАНДАЙ БОЛА 6 ЁШИДА
МАКТАБГА БОРАДИ?**

САВОЛ: — Фарзанди олти ўшгача бўлган ҳар бир ота-она ўз жигарбандини ақли деб билади ва уни мактабга қабул қилишларини сўрайди. Лекин 6 ёшлиларнинг маълум қисмигина 1-синфга қабул қилинади. Бу жа-раён қандай кечади?

Дилором АХМЕДОВА,
Бувайдада тумани,
Узун маҳалла, уй бекаси

ЖАВОБ: — Албатта, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг барча соҳаларда биринчи бўлишини хоҳлайди. Шу сабабли унга ёзиш ва ўқиши ўргатиб, олти, ҳаттоқи беш ўшдан мактабга қабул қилишларини сўраб мурожаат қиласидар.

Мактабга қадам кўяётган бугунги куннинг боласидан фикрлаш кўникмаси, янги билимларни эгаллашга тайёрлиги, янги мухитга мослашиш кўникмаси, воқеа-ҳодисаларни мустақил равишда таҳлил этиши билан бир қаторда унинг мактаб таълимига шахсий-иродавий, маънавий, интеллектуал, ижтимоий-психологик жиҳатдан тайёрлиги талаб этилади.

Боланинг мактабда самарали таълим олиши учун унга ўқишини ва ёзиши ўргатиш учналик мухим эмас. Асосийси, боланинг лугат бойлигини ошириш, ундан онгли ва фаол фойдалана олиши, товушни тиник эштиши, аниқ талаффуз қилиши, уларни сўзлардан ажратади.

Мактабда 2-3 ой давомида ёзиш техникинини қийинчиликсиз эгаллаб олади. Ижодий имкониятларга эга бўлган бола янги ўқув материалини мустақил тушуниб этишга, изланиш фаолиятига, педагоглар ва тенгдошлари билан ўзаро муносабатларни ўрнатишга тайёр бўлади.

У билишга қизиқувчан, фаол, ташаббускор бўлиб, катталар томонидан таклиф этилган топширикларни бажарибина қолмасдан, ўзи ҳам бошқалар олдига янги вазифаларни қўяди.

Олти ёшли болаларнинг мактабга қабул жараёни қўйидаги тартибда амалга оширилади: Ўзбекистон Республикаси Халқ таъли-

ми ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг 2006 йил 5 январдаги 2/1-сонли кўшма бўйруги билан тасдиқланган “Олти ёшли болаларнинг тиббий кўриги тўғрисидаги Низом” асосида ҳар йили 1 февралдан 30 апрелгача ҳар бир туман (шаҳар) халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлиmlари ҳамкорлигида тиббий муассасаларда ишлаб турган тор доирадаги (педиатр, невропатолог, болалар жарроҳи, ортопед, офтальмолог, стоматолог, эндокринолог, логопед ва психоневролог) мутахассислардан тузилган маҳсус комиссия томонидан олти ёшли болаларнинг тиббий кўриги ўтказилади.

Май-август ойларида эса туман халқ таълими бўлимида 6 ёшли болаларга мактабга тавсия бериш бўйича психологик-педагогик ташхис комиссияси тузилади. Мазкур комиссия Халқ таълими вазирлигининг 2006 йил 17 марта тасдиқланган “Олти ёшли болаларнинг психолого-педагогик ташхис комиссиялари тўғрисида”ги Низом асосида фоалият кўрсатади. Комиссияга тиббий кўрик натижасида мутлақ соғлом деб топилган болалар киритилади. Ота-оналар психологик-педагогик ташхис комиссиясига кўйидаги хужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- яшаш жойидан маълумотнома;
- туғилганлиги ҳақида гувоҳноманинг нусхаси;
- боланинг тиббий кўрик холосаси.

Мазкур комиссия холосасига кўра, 6 ёшли болалар мактабга тавсия этилади.

Шунга мувофиқ комиссияга келган 6 ёшли болага қўйидаги талаблар кўйилади:

- предметларни гурухлаштириш, умумлаштириш;
- предметларнинг фазода, мақонда жойлашишини билиш;
- кўл моторикасининг ривожланнилиги;
- дикқат, хотира, сезги, тафаккур, идрок, хаёл каби билиш жараёнларининг ривожланганлик дараҷаси юқори бўлган олти ёшли болага мактабда таълим олиши учун тавсия берилади.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИСТИКЛОЛ КЎЗГУСИДА

1991

1992 1993 1994 1995 1996 1997 1998 1999 2000 2001 2002 2003 2004 2005 2006 2007 2008 2009

2010

■ Вилоятдаги жами мактаблар сони — 501та.
Шундан:
зamonавий тиддаги — 231та;
мослаштирилганлари — 202та;
авария ҳолатидаги — 68та.

Мактабларнинг моддий-техник базаси:
дарсликлар таъминоти — 78 фойз;
ӯкув-лаборатория жиҳозлари билан
таъминланганлиги — 43 фойз;
компьютер, ахборот технологиялари билан
таъминланганлиги — 19,1 фойз;
мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 50,2 фойз.

■ Вилоят болалар спорти обьектлари:
спорта залига эга мактаблар сони — 236та;
болалар спорти обьектлари сони — йўк;
болалар спорти обьектларининг спорт анжомлари
ва ускуналари билан таъминланганлиги — 30 фойз;
ёшларнинг оммавий спорта камраб
олинганлиги — 17 фойз.

■ Вилоятдаги мусиқа ва санъат
мактаблари сони — 16та.
Шундан:
зamonавий тиддаги — 2та;
мослаштирилганлари — 13та;
авария ҳолатидаги — 1та.

■ Вилоятдаги хунар-техника билим
юртлари сони — 32та.
Шундан:
зamonавий тиддаги — 13та;
мослаштирилганлари — 19та.

**Үрта маҳсус таълим муассасалари
моддий-техник базаси:**
ӯкув-лаборатория жиҳозлари билан
таъминланганлиги — 21 фойз;
компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан
таъминланганлиги — 15 фойз;
мавжуд техника воситалари сони — 150та.

**Үрта маҳсус таълим муассасаларининг
кадрлар билан таъминланганлиги:**
педагоглар ва мухандис-педагоглар умумий
сони — 1969 нафар.
Шундан:
фан докторлари — йўк;
фан номзодлари — 21 нафар;
олий маълумотли ўқитувчилар — 1685 нафар.

Үрта маҳсус таълим йўналишлари
бўйича мутахассисликлар умумий сони — 83та.
Хунар-техника билим юртларига камраб олинган
ӯкувчilar умумий сони — 2800 нафар.


■ Вилоятдаги олий таълим муассасалари сони — 3та.
Шундан:
университетлар — 1та;
институтлар — 2та.
Ӯкув-лаборатория жиҳозлари билан
таъминланганлиги — 51,3 фойз.
Компьютер билан таъминланганлиги — 15 фойз.

Професор-ӯқитувчilar — 752 нафар.
Шундан:
профессорлар — 62 нафар;
фан номзодлари — 690 нафар;
Талабаларнинг умумий сони — 10500 нафар.
Мутахассисликларнинг умумий сони — 390ta.

● Мустақиллик **Умумий ўрта таълим**
ийлларида вилоят ўқитувчilari
халқ таълими мусассасаларида фао-
лият юритаётган ўқитувчilарнинг
208 нафари давлат мукофotлari билан
тақдирланди.

● Истиқлол ийлларида вилоят ўқитув-
чilari фан олимпиадаларининг республика
боқичида 1, 2, 3-даражали дипломларни
қўлга киритиб, умумжамоа
хисобида республика миқёсида 1, 2- ўрин-
ларни эгаллаб келишмоқда.

● Коракўлдаги 1-
ихтинослаштирил-
ган мактаб-интер-
нат ўқитувчilari
Азизхон Назаров ва
Аброр Пирнафасов-
лар ўтган йили Гер-
маниянинг Бремен
шахрида ўтказилган 50-халқaro
математика олимпиадасида мувaffa-
қияти қатнашиб, 2ta бронза меда-
лини кўлга киритишган эди. Шу дар-
гохнинг 11-синф битирувчиси Азиз-
хон Назаров якинда Қозогистонда
 ўтказилган 51-халқaro математика
олимпиадасида бронза медалини
олишga мусассar бўлди. Мазкур ин-
тернатнинг шу кунгача халқaro
олимпиадаларда кўлга киритан мес-
даллари умумий сони 24тага етди.



олишga мусассar бўлди.

● Шу йиллар давомида вилоят
ўрта умумтаълим мактаби ўқитувchilari
идаридан Ирова Орилова, Умидда Раҳ-
монова, Навбахор Раҳмонова, Орази-
гул Ҳамроева, Маҳбуба Муҳаммадо-
ва хамда Ҳуснинбон Ғуломова Зул-
фия номидаги
давлат мукофoti
соғориндори
бўлиши.

БУХОРО ВИЛОЯТИ



Үрта маҳсус, касб-хунар таълими

● 2007 йили Бухоро санъат колле-
жи ўқитувчи Moхижерха Шомуродова,
2008 йили Бухоро юридик коллежи ўқитув-
чи Зебинисо Муродова Зулфия номидаги
давлат мукофoti совриндори бўлди.

● 2009 йили үрта маҳсус, касб-хунар
таълими мусассасалари ўқитувchilari
ўртасида дастурлаш бўйича жаҳон чем-
пионати қоидалари асосида ўтказилган
Middle Asia минтақаси мусобакасининг
финал боқичида иштирок этган Бухо-
ро давлат университети қоидаги ком-
пьютер ва ахборот технологиялари ака-
demik лицей ўқитувchilari жамоаси фах-
рли 3-ўринни эгалла-

● 2008 йили «Касб
маҳорати» республика танловида «Ветеринария»
таълими йўналиши бўйича Олот қишлоқ
хўжалиги касб-хунар коллежи 3-ўринни,
«Чорвачлик фермер хўжалигини ташкил
етиши йўналиши бўйича Ромитан агробизнес
касб-хунар коллежи 3-

ўринни, «Агрономия ва ўсимликуносли
фермер хўжалигини ташкил этиши ва юри-
тиш» йўналиши бўйича Бухоро агрономисто-
диёт касб-хунар коллежи 1-ўринни, «Гид-
ромелиорат ишлар машина ва жиҳозла-
рини ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш
йўналиши бўйича Когон қишлоқ хўжалиги
касб-хунар коллежи 2-ўринни эгалладилар.

● 2009 йили Карши шахрида бўлиб
ўтган «Ёш икъричилар» 19-республика
кўрик-тандовининг иштирок этган Бухоро
санъат коллежи ўқитувchilari: Азамат
Хасанов қашқар рубоби йўналиши бўйи-
чи 1-ўринни, Шахноза Исмоилова фор-
типисано йўналиши бўйича 2-ўринни
эгаллади.

● Мустақиллик ийлларида 75 нафар пе-
дагог давлат гранти асосида ривожланган
мамлакатлarda малакa ошириб қайtdi.

● Вилоятдаги
жисмоний тарбия ва
спорту жамиятига қарашли умум-
таълим мактаби ва спорт мактаби
жами 84054 нафар ўқувчи
спорту билан шуғулланаяпти, улар-
дан 33353 нафарини кизлар таш-
кил этилган.

● 38та болалар ва ўсмирлар спорту
мактабида 27083 нафар бола спорту
билан шуғулланаяпти, улар-
дан 7408 нафари кизларидir, 9ta спорту
мактаб-интернатларida 1360 нафар
 ўқувчи спорту секцияларида шуғуллан-
моқда.

● 2005-2010 йилларда «Ийлнинг энг
яхши фан ўқитувchisi»
кўрик-тандовининг республика боқичида
иштирок этган ўқитувchilarning 7 нафари 1,
11 нафари 2, 8 нафари эса 3-ўринни
олишga мусassar bўldi.

● Шу йиллар давомида вилоят
ўрта умумтаълим мактаби ўқитувchilari
идаридан Ирова Орилова, Умидда Раҳ-
монова, Навбахор Раҳмонова, Орази-
гул Ҳамроева, Маҳбуба Муҳаммадо-
ва хамда Ҳуснинбон Ғуломова Зул-
фия номидаги
давлат мукофoti
соғориндори
бўлиши.

олишga мусassar bўlidi.

● Бухоро шахрида-
9-БўСМ енгил атле-
тикалari Кристина Кондратева ва
Жаҳонгир Остонов ўз терма жамо-
си таркибида 2008 йил октябрда Кир-
физистоннинг Бишкек шахрида ўтган
Марказий Осиё мамлакатлari енгил
атлетикачilari баҳсида қатнашиб,
Кристина эстафета баҳсида 2-ўрин,
Жаҳонгир Остонов 400 метрга югу-
риша 2-ўринни эгаллади.

● Бухоро шахри-
даги Олимпия за-
хиралари спорту
мактаб-интернати
ўқувчиси Олим
Холлиев юон-рум
кураши бўйича 2008
йили Россияда ўтган
халқaro баҳсларда 3-,
Тайванда бўлиб
ўтган Осиё чемпионатида эса
2-ўрин соҳиби bўldi.

● Когон туманидаги 17-мактабнинг
7-синф ўқувчиси Умид Ҳусеинов 2008
йили каратэ бўйича Марказий Осиё
чемпионати голиби, Болгарияда
bўlgan 16-Жаҳон кубоги мусиқalari
бронза медали совриндори ва Малайзияда
 ўтган мусобақада эса кўшалоқ медал соҳиби bўldi.

Олий таълим

Сино номидаги давлат стипендияси-
ни олишga мусassar bўlidi.

● Кейинги 3 йил давомида институт
ўқитувchilari томонидан 5ta докторлик,
30ta номзодлик диссертациялari
ёқланди.

● 2008 йилдан бўён ўтказib
келиниётган «Ин-
новацион гоялар,
технология ва
лойиҳалар» яр-
маркасида Бухо-
ро давлат олимлari иш-
тиrok этиb, ўз лойиҳаларini халқ hўj-
лигida кўllaш бўйичa ишlab чиқaruv-
chilari bilan 1 миллиард сўмлик шарт-
номa имзолashi.

● 3 нафар тадқиқотчи
чи олим 108 миллион
сўмлик давлат грантини
кулga кiritdi.

● 2008 йилги «Ке-
лаҳак овози тандо-
види Бухду қошида-
ги акademiyining энг
ёш тадқиқотчиси Эр-
кин Жўраев рашио-
лизаторлик йўнали-
шида «Энг ёш лойи-
ҳали» номинацияси
бўйичa голибликка
kiritdi.

● «Д ўстим
сенда гапим бор»
нотик талабалар
кўрик-тандовinинг
республика боқичида
Нафосат Шаропова 2-
ўринни эгалладi.

● 1996 йили «Тарих-
эриши. Айни пайтда академия тарки-
бида 150 нафардан ортик аъзо мавжуд.

● Бухоро давлат университетida бугун-
га қадар 42 нафар хорижлик профессор-
ўқитувchilari 30 нафар кўнгиллилар фо-
лият олиб борган.

● Институт олими Рауф Ҳайитов та-
эквандо, кураши бўйичa фахрийлар ўт-
садида жаҳон чемпионатида кумуш
медаль соҳиби bўldi.

● Институт битирувchilariidan Шукрат
Хўжаев самбо кураши бўйичa жаҳон, Осиё
хамда «Универсиада-2002» чемпионатигини
кулga kiritdi. «Ўзбекистон иftohori» ун-
вонига сазовор bўldi.

● Дзюдо кураши бўйичa Ўзбекистон
чемпиони Жамол Амонов жаҳон чемпи-
онатida бронза медалини кўлga kiritdi.

● Мустақиллик ийлларида Бухоро ти-
биёт инститutining 14 нафар талabasi Ибн

■ Вилоятдаги жами мактаблар сони — 540та.
Шундан:
янгидан курилганлари — 7та;
капитал реконструкция килинганлари — 81та;
капитал таъмирланганлари — 139та;
жорий таъмирланганлари — 226та.

■ Мактабларнинг моддий-техник базаси:
дарсликлар таъминоти — 99,4 фойз;
ӯкув-лаборатория жиҳозлари
билин таъминланганлиги — 95 фойз;
компьютер, ахборот технологиялари
билин таъминланганлиги — 83 фойз;
мебель жиҳозлари билан
таъминланганлиги — 86 фойз.

■ Вилоят болалар спорти обьектлари:
спорта залига эга мактаблар сони — 384та;
болалар спорти обьектлари сони — 58та;
болалар спорти обьектларининг спорт жиҳозлари
ва ускуналари билан таъминланганлиги — 85 фойз;
ёшларнинг оммавий спорта камраб
олинганлиги — 38 фойз.

■ Вилоятдаги мусиқа ва санъат
мактаблари сони — 19та.
Шундан:
зamonавий тиддаги — 6та;
мослаштирилганлари — 13та
(2010-2014 йиллар давомида мавжуд мактаблар
бинолари янги курилш ҳамда капитал
реконструкциялаш натижасида янгиланади).

■ Вилоятдаги үрта маҳсус, касб-хунар таълими
муассасалари (академик лицейлар, касб-хунар
коллежлари) сони — 88та.

■ Үрта маҳсус, касб-хунар таълими
муассасаларининг кадрлар
билин таъминланганлиги:
педагоглар ва мухандис-педагоглар умумий
сони — 6363 нафар.

■ Шундан:
фан докторлари — йўк;
фан номзодлари — 57 нафар;
олий маълумотчи ўқитувchilar — 5976 нафар.

■ Үрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари
бўйичa мутахассисликлар

**ДАРС ТАХЛИЛИ –
ТАЪЛИМ СИФАТИ АСОСИ**

САВОЛ: — Мактаб директори бир ойда неча соат дарс кузатиши керак?

Ф.МАМАДАМИНОВА
Тошкент шахри

ЖАВОБ: — Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 24 майдаги 122-сонли бўйруги билан тасдиқланган

**РАҲБАР ТАНЛОВДА ИШТИРОК
ЭТА ОЛАДИМИ?**

САВОЛ: — Мактаб директори “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчи” кўрик-танловида қатнаша оладими?

Г.ОЧИЛОВА
Пахтаки тумани

ПЕДАГОГИК СТАЖ МУХИМ

САВОЛ: — “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчи” кўрик-танловида қатнашиш учун неча йиллик иш стажи талаб қилинади?

Г.ИБРОХИМОВА,
Бувайда туманидаги 1-мактаб ўқитувчisi

**ДИРЕКТОРНИНГ ДАРСИ ЎТИЛМАСЛИГИ
МУМКИНМИ?**

САВОЛ: — Мактаб директори хизмат сафарига кетганда унинг дарси ўтилмаслиги ҳам мумкинми?

Р.МИРЗАЕВ
Касби тумани

ЖАВОБ: — Мактаб директори хизмат сафарига кетган вақтда

“Халқ таълими тизимида умумтаълим муассасаларида дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш бўйича тартиб”га кўра, ўқув йили давомида ҳар ҳафтада ўқитувчilar томонидан камида 1 соат, мактаб директори ва унинг ўринbosарлari томонидан камида 4 соат дарс таҳлил қилиниши лозим.

ЖАВОБ: — “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчи” кўрик-танловини ўтказиш Низоми”га кўра, мактаб директори фан ўқитувчи сифатида ушбу кўрик-танловда қатнашиш хукуқига эга.

ЖАВОБ: — “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчи” кўрик-танловини ўтказиш Низоми”га кўра, танлов иштирокчиларидан 5 йиллик педагогик иш стажи талаб этилади.

**ДАРС ТАҚСИМОТИ
унда касб маҳоратига аҳамият қаратилади**

САВОЛ: — Мактаб директори якин қариндошига бошқа ўқитувчilarга нисбатан кўпроқ дарс соатлари ажратиши мумкинми? Ўқитувчilar дарс тақсимлашда нималарга эътибор қаратилади?

И.НУРИДДИНОВ,
Яккабоғ туманидаги 68-мактаб ўқитувчisi

ЖАВОБ: — Мактабда дарс соатлари директор томонидан тасдиқланган ишчи гурӯҳ томонидан тақсимланади ва педагогик Кенгашда очиқ овоз бе-

унинг дарслари ўтилмаслиги мумкин эмас. Ишчи дарс жадвалига ўзгартириш киритиш орқали мазкур машгулот бошқа дарсларнинг ўрни билан алмаштирилиши ёки ўриндошлик асосида ўтилиши зарур.

ДОИМИЙ ЭҲТИЁЖ

САВОЛ: — Менинг қизим Термиз давлат университетининг маҳсус сиртқи бўлими бошлангич синф йўналишининг 2-курсни тутатди. Ўқиш пайтида малака ошириш курсларига бориши шартми?

И.КУЛМАМАТОВА, Бандиҳон туманидаги 2-мактаб ўқитувчisi

ЖАВОБ: — Ўрта маҳсус педагогик маълумотга эга бўлган ва

риш йўли билан муҳокама қилиниб тасдиқланади. Ўқитувчilarга дарс соатларини тақсимлашда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирliklarining 2010 йил 27 майдаги “Умумий ўрта таълим мактаблari ўқитувchilarinинг иш юклamasini белгilaш ва тақsimlaш тўғрисида”-ги 125/125б-сонли кўшма бўйруги билан тасдиқланган Йўриқнома асосида ўқитувчининг иш тажрибasi ва салоҳиятига эътибор қаратилади.

мактабда дарс бериб турган педагог малака ошириш муддати келган пайтда, университетнинг маҳсус сиртқи бўлимида ўқишидан қатъи назар навбатдаги малака ошириш курсидан ўтиши керак. Малака ошириш курсидан ўтиш вақти университетдаги сессия даврига тўғри келмаслиги масаласини мактаб маъмурияти инобатга олиши зарур.

МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ НЕЧА СОАТ?

САВОЛ: — Ўқитувчи қанча муддатда ва қай тартибда (бир малака ошириш курси неча соатдан иборат) малака ошириши керак?

Н.БЕКПЎЛАТОВА
Тошкент вилояти.

ЖАВОБ: — Халқ таълими вазирлигининг 2009 йил 22 декабрдаги 354-сонли бўйруги билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруғидаги педагог кадрларни қайta тайёрлаш ва малакасини ошириш

институт(марказ)лари ҳакида Низом”га биноан халқ таълими тизимида фаолият юритаётган раҳбар ва педагог кадрлар ҳар 3-5 йилда бир марта малака ошириш курсларидан ўтишлари белгилаб қўйилган.

Малака ошириш курслари жараёнида педагоглар камида 144 соат ҳажмидаги таълим дастурларини ўзлаштиради ва уларга ўрнатилган тартибда малака оширганлиги ҳакида сертификат ва рейтинг дафтарчasi берилади.

Savol bering, javob beramiz**ИХТИСОСЛАШГАН ВА ОДДИЙ МАКТАБ:
фарқ нимада?**

САВОЛ: — Ихтинослаштирилган мактаб билан оддий мактаб ўртасидаги асосий фарқ нимада намоён бўлади? Ихтинослаштирилган синф билан оддий синflарнинг ўзига хосликлари ҳакида маълумот берсангиз?

З.КАРИМОВА,
уй бекаси
Навоий шахри

ЖАВОБ: — Ихтинослаштирилган мактабларга ўкувчilar иктидорига кўра, маълум фанга йўналтирилган таълим муассасалари (ёки синflar)га синov асосида қабул қилинади. Чуқурлаштирилиб ўқитилади

ган фанларга оддий мактабларга нисбатан ҳафтасига кўпроқ соат ажратилади ва ушбу фанлар гурухларга бўлиб ўқитилади. Фанларни ўқитишида фақат олий ва биринчи малака тоифасига эга бўлган ўқитувчilar дарс ўтиши белгилangan.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августандаги 173-сонли қарорига асосан чуқурлаштирилган фанлардан дарс ўтадиган ўқитувchilar ва мактаб раҳбар ҳодимларининг ойлик маошига давлат томонидан ўрнатилган тартибда белгилangan миқдорда устама ҳақ берилади.

**ТАРТИББУЗАР ЎҚУВЧИ БИЛАН
ҚАНДАЙ ИШЛАНАДИ?**

САВОЛ: — Ўқувчини тартиббузарлиги учун жазолаш қандай тартибга солинади?

Ф.АКБАРОВА,
Паркент туманидаги
29-мактаб ўқитувчisi

ЖАВОБ: — Болада етакчи фаолият тури ўйин ҳисобланиб, ушбу жараённи амалга оширишда турли хил тартиббузарлик ҳолатлари ҳам содир этилиши мумкин, масалан, дарс вақтида гаплашиб ўтириш, танаффусда шовқин кўтариш. Лекин, онгли равишда содир этилган тартиббузарликларнинг сабаби нимада? Албатта, шахснинг негатив хулкаторида. Ушбу хулк-атвор юзага келиши сабабларидан бирни боланинг ижтимоийлашув жараённида тенгдошлари ва катталар томонидан ўтказиладиган тазийклар боланинг онг ости соҳасида муҳрланиб бора-веради. Бунда ғазаб-нафрат ҳисси кучяди ва неврозга айланади. Бундай ҳолларда бола ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олмаслиги сабабли, тартиббузарлик ҳолатларини содир этади. Тартиббузар ўқувчини жазолашдан олдин уни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганиш лозим. Чунки, ўқувчи ҳеч қачон ўз-ўзидан тартиббузарга айланмайди, маълум бир сабабларга кўра, ўқитувчи томонидан синф жамоаси олдида камситилса, дарс жараёнида фақат айrim ўқувчilarга эътибор қаратилса, ўқувчининг қизиқиши, қобилият, индивидуал хусусиятлари

эътиборга олинмаса, синф ва жамоат ишларига жалб қилинмаса, тартиббузарга айланади.

Тарбияси оғир болалар билан олиб бориладиган ишларни аввалимбор ана шу тартиббузарликнинг сабабларини ўрганишдан бошлаш керак, бунда синф раҳбарлари, ота-оналар билан ҳамкорлик қилиш ва биргалиқда бу муаммонинг ечимини топиш лозим. Бундан ташқари: “Ўқувчининг тартиббузар бўлишига кимни айбдор деб ўйлайсиз?”, “Тартиббузар ўқувчига нисбатан қандай жазо қўллаган бўлардингиз”, “Тартиббузарликнинг олдини олайлик!” ва шу каби бошқа мавзууларда ўқитувchilar ва ота-оналар учун давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар, маҳалла фаоллари, ИИБ ҳодимлари билан ҳамкорликда учрашувлар ташкил этиши лозим.

Холоса ўрнида, ўқувчини тартиббузарлиги учун жазолашдан олдин, аввало, унинг характеристи, индивидуал психологияк трединглар, сўровнома, давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар, маҳалла фаоллари, ИИБ ҳодимлари билан ҳамкорликда учрашувлар ташкил этиши лозим.

ТАРБИЯЧИ МАСЬУЛИЯТИ БЕЛГИЛАНГАНМИ?

САВОЛ: — Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчilarининг эгаллаши зарур бўлган кўникма ва малака мейёrlари белгиланганми? Богча даврида зарур таълим-тарбиявий кўникмани эгаллай олмаган бола учун тарбиячига қандай жавобгарлик белгиланган?

Н.ТОЛИПОВА,
логопед,
Чилонзор тумани

ЖАВОБ: — Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчilarи

эгаллаши зарур бўлган билим, малака ва кўникмалар Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 28 сентябрдаги 10/4-сонли Ҳайъат мажлиси қарори билан тасдиқланган “Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари”да белгилаб берилган.

Мактабгача таълим муассасала-рида боланинг зарур таълим-тарбиявий кўникмаларни эгалламаганлиги учун тарбиячига меҳнат қонунчилигида белгилangan тартибда интизомий чоралар кўлланилади.

МАКТАБ УЧУН СОВФА МАЖБУРИЙМИ?

САВОЛ: — Битирувчи синф ўқувчisi ўқув йили якунida мактаб учун бирор кимматбаҳо совфа бериши ёки бирор юмуш бажарib бериши мажбурийми? Бу ҳолатлар қонун доирасида қандай ҳал қилиниши даркор?

К.УЗОКОВА,
ўқитувчisi

ЖАВОБ: — Битирувчи синф ўқувчisi мактаб учун ҳар қандай кўринишдаги совфа бериши ёки юмуш бажарib бериши бирор бир мейёрий хужжатда белгилмаган ва битируvchi бунга мажбур эмас.

САМОВИЙ ЦУНАМИ КУЗАТИЛДИ

Йирик астрофизика обсерваториялари томонидан Куёш юзасида иккита кучли ёргу нурланиш қайд этилди. Бу ҳақида «Нью Сайентист» илмий нашри маълум килди.

Улар магнетик хусусиятга эга бўлиб, кучли портлашлар билан бирга кузатилган. Натижада, жуда катта миқдорда энергия ажраб чиққани аниқланди.

Шундан келиб чиқкан ҳолда, мутахассислар мазкур ҳодисани «самовий цунами» деб аташмоқда. Олимларнинг таъкидлашича, Куёшдан келувчи зарядланган зарралар оқими Ер томон ҳаракатланган. Оқибатда, дастлабки кучли энергетик «зарбалар» туфайли ўнлаб Европа мамлакатларида Шимол ёғдуси кузатилди. Мазкур табиат феномени охирги 10 йил ичидаги қайд этилмаганди.

Олимлар яқин кунларда ушбу ҳодиса яна тақорланиши мумкинлиги ҳақида хабар беришмоқда. Ўзига хос космик цунами таъсирида сайдерни оғатлар ҳам рўй бериши эҳтимолдан холи эмас. Умуман олганда, мутахассислар бу йилги ёз мавсумида иқлим шароитларининг ўзгариши кўп маънода Куёшнинг узок муддатдан кейинги «уйғониши» билан боғлиқлигини таъкидлашти.

СУВОСТИ ДУНЁСИ РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

Халқаро олимлар гурухи «Сувостида яшовчи жонзотларни рўйхатга олиш» номли кенг қарорларни замонавий мегаполисларда одатий ҳолга айланган. Шунинг учун ҳам йўллардаги ҳаракатни режалаштиришга масъул шахслар жамоат транспорти воситаларини такомиллаштириш орқали тирбандликнинг олдини олишга интилади.

Бунда, хусусан, Австралия, Хитой ва Япония қирғоқбўйи сув ҳавзалари, шунингдек, Ўрта денгиз ва Мексика кўрфази биологик хилма-хиллик дараҷаси энг бой, дея эътироф этилди. Тадқиқотиларнинг таъкидлашича, ҳозирча жами 230 мингга яқин сувости жонзотлари турлари аниқланган. Эътиборлиси, бунда шу пайтгача фанга маълум бўлган ҳар бир турга тўрттадан умуман янги сув ҳайвонлари тўғри келяпти. Шундай бўлса-да, мутахассислар ҳали яна кўплаб биологик турлар ўрганилмай колиб кетаётганини маълум қилишди.

Лойиҳа туфайли океанларда энг кўп тарқалган сувости дунёси вакиллари кискичбакасимонлар экани аниқланди. Улар умумий миқдорнинг 19 фоизини ташкил этмоқда. Кейинги ўринларни моллюскалар (17 фоиз) ва баликлар (12 фоиз) эгаллади. Ҳудудларнинг деярли барчасида мавжуд сув жонзоти сифатида чукур океан қаърида яшадиган оддий хаулиод балиги қайд этилди. Бошқа ҳудудлардан энг кўп ҳайвонлар кўйиб ўтган ҳудуд Ўрта денгиз хисобланар экан: биргина Кизил денгиздан 600та сув жонзоти ўтиб, ҳавзада яшаши мослашиб улгурган.

Таъкидлаш жоизки, саксонга яқин мамлакатнинг 400 нафар тадқиқотчиси иш олиб бораётган мазкур лойиҳанинг якуний натижалари жорий йилнинг октябрь ойида эълон килинади.



УЛКАН АВТОБУСЛАР – МУАММОГА ЕЧИМ

Хитойда улкан автобусларни ишлаб чиқаришни кенг йўлга кўйиш лойиҳаси устида ишланмоқда. Қизиги, янги турдаги автоулов ҳаракатланиши пайтида нисбатан кичикроқ автомашиналар ҳеч бир кийинчиликсиз унинг филдиралари орасида ўтиб кетади ва шу билан йўллардаги ҳаракат тўхтаб қолмайди, дейилади «Чайна Ҳаш» («ChinaHush») манбасида.

Автотрассаларнинг доимо машиналарга тўла бўлиши, ҳаракатланишга салбий таъсири этиши замонавий мегаполисларда одатий ҳолга айланган. Шунинг учун ҳам йўллардаги ҳаракатни режалаштиришга масъул шахслар жамоат транспорти воситаларини такомиллаштириш орқали тирбандликнинг олдини олишга интилади.

Хитойлик ишлаб чиқарувчилар Пекинда ўтказилган «Хай-тек Экспо» кўргазмасида масалага ноодатий ечим таклиф этишиди. Тадбирда «Shenzhen Hashi Future Parking Equipment» компанияси томонидан янгила дизайнда ийрик ҳажмли автобус моделлари тақдим этилди. Эни 6 ва баландлиги 4,5 метрга тенг бу автоуловлар иккита бўлинмадан иборат. Юқоридагиси йўловчиларни ташишга, 2 метрлик пастки оралик қисми эса енгил автомашиналар ўтишига мўлжалланган.

Ишлаб чиқарувчилар ушбу автобуслар Куёш батареялари ёрдамида ҳаракатланишини ҳам айтган. Жамоат транспортининг тезлиги соатига ўртача 60 километр бўлиб, унда бир пайтнинг ўзида 1200–1400 йўловчи керакли манзилига ётиб олиш имконига эга бўлади.

СЕЗУВЧАН ЭКРАН ХАВФЛИМИ?

Аризона штати университети олимлари сезувчан экранли мобил ускуналар инсон соглигига салбий таъсири кўрсатиши мумкинлигидан хавотирда. Уларнинг таъкидлашича, бу турдаги дисплейлар суяк-мускул тизими учун хавф тугдириб, касалликлар келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас экан.

— Сенсорли, яни сезувчан экранлар замонавий ускуналарда кенг кўллалиниб, улар харидорларга юкори дараҷада сифатли хизмат кўрсатиши кўпчилик маълум, — деди университетнинг Биотибёт кафедраси мудири Канав Каҳол. — Лекин кенг жамоатчилик улардан фойдаланиш оқибатида кузатиладиган ноҳуш ҳолатлар ҳақида хабардор эмас. Шу сабаб, биз мазкур йўналишда изланиш ўтказиши режалаштиридик.

Тадқиқот доирасида мутахассислар кўнгиллilarни жалб этиб, уларнинг мускул толалари ҳаракатларни электр миографик текширудан ўтказмоқчи. Сўнгра кўл ҳаракатлари ёзиб олинади ва таҳлил этилди. Навбатдаги босқичда кўлларнинг биомеханик моделлари яратилиб, улар ёрдамида сезувчан экрандан фойдаланиш пайтида тананинг бу қисмiga тушадиган оғирлик дараҷаси ўлчаниди. Олинган натижалар якунда ускуналарни ишлаб чиқарувчи компанияларга тақдим этилди. Ўз навбатида, ишлаб чиқарувчилар сезувчан дисплейга эга моделларни яратища уларнинг зарарини камайтириш мақсадида тадқиқот натижаларига таянади.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2010 йилда умумтаълим мактаблари учун электрон ахборот-таълим ресурсларини (электрон дарсликлар, мультимедиали электрон ахборот-таълим ресурслари) яратиш бўйича қайта Тендер савдоларини эълон қилади

Тендер №: XTV-EATR 01/2010RE

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2010 йилда умумтаълим мактаблари учун қуиди қайд этилган электрон ахборот-таълим ресурсларини (электрон дарсликлар, мультимедиали электрон ахборот-таълим ресурслари) яратиш бўйича 31 та лотдан иборат бўлган умумий суммаси 550 070,0 минг сўмлик тендер савдоларини қайта ўтказади.

Лот рақамдари	Электрон дарслик номи	Синфи	Максимал киймати (сўмда)
№ 1	Инглиз тили	5-синф	19 250 000
№ 2	Немис тили «Deutsch!»	5-синф	19 250 000
№ 3	Француз тили	5-синф	19 250 000
№ 4	Рус тили (таълим ўзбек ва қардош тиллардаги мактаблар учун)	6-синф	18 140 000
№ 5	Рус тили (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	6-синф	18 140 000
№ 6	Адабиёт (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	6-синф	18 140 000
№ 7	Адабиёт (таълим коракалпоқ тилидаги мактаблар учун)	6-синф	18 140 000
№ 8	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	6-синф	19 250 000
№ 9	Француз тили	6-синф	19 250 000
№ 10	Рус тили (таълим ўзбек ва қардош тиллардаги мактаблар учун)	7-синф	18 140 000
№ 11	Рус тили (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	7-синф	18 140 000
№ 12	Адабиёт (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	7-синф	18 140 000
№ 13	Адабиёт (таълим коракалпоқ тилидаги мактаблар учун)	7-синф	18 140 000
№ 14	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	7-синф	19 250 000
№ 15	Француз тили "Bon voyage"	7-синф	19 250 000
№ 16	Рус тили (таълим ўзбек ва қардош тиллардаги мактаблар учун)	8-синф	18 140 000
№ 17	Рус тили (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	8-синф	18 140 000
№ 18	Адабиёт (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	8-синф	18 140 000
№ 19	Адабиёт (таълим коракалпоқ тилидаги мактаблар учун)	8-синф	18 140 000
№ 20	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	8-синф	19 250 000
№ 21	Француз тили «Le plus beau voyage en France»	8-синф	19 250 000
№ 22	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	8-синф	12 020 000
№ 23	Миллий истиқболғояси ва маънавият асослари	8-синф	12 020 000
№ 24	Ўзбек тили (таълим рус ва қардош тиллардаги мактаблар учун)	9-синф	18 140 000
№ 25	Рус тили (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	9-синф	18 140 000
№ 26	Адабиёт (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	9-синф	18 140 000
№ 27	Адабиёт (таълим коракалпоқ тилидаги мактаблар учун)	9-синф	18 140 000

Тендер электрон ахборот-таълим (электрон дарсликлар, мультимедиали электрон ахборот-таълим) ресурсларини арzon ва сифатли ишлаб чиқариши имкониятига эга бўлган юридик шахслар, жумладан, кичик бизнес субъектлари — мулкчилик шаклидан қатби назар, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхоналар иштироқида очиқ кўринишда ўтказилади.

Куйидаги юридик шахслар тендерда иштирок этиш учун кўйилмайди: қайта ташкил этиш, тутаглиш ёки банкротлик арафасида турган; малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатдан тақдим этимаган;

илгари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур дараҷада бажармаган; тендер эълон килингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;

«Буюртмачи» билан суд ёки ҳамамлик мухокамасида иши кўриб чиқиляётган; тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича тендер комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар ва фирмалар.

Электрон ахборот-таълим ресурсларини ётказиб бериш тендер голиблари билан шартнома имзолангандан сўнг Тендер ҳужжатларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

Тендер бошлангунга қадар тендерда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар малакали танловдан ўтказилади.

Малакали танловни ўтказиш тендер таклифларини қабул килишнинг охирги санасидан бошлаб 5 кун муддат ичидаги амалга оширилади.

Кўшимча маълумотларни олиш учун талабгорлар тендер таклифлари топширишнинг охирги кунига қадар ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташкири) соат 9:00 дан 17:00 гача куйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Таълим жарайнига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими.

Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-й.

4-қават, 420-хона.

Телефон: (+998 71) 239-88-52, 239-13-21.

Факс: (+998 71) 239-13-21.

Тендер хужжатларини харид килиш учун Халқ таълими вазирлигининг куйидаги топширилган маҳсус ҳисоб рақамига талабгорлар томонидан 300 000 (уч юз минг) сўм миқдоридаги қайтарилмайдиган тўлов ўтказ

САВОЛ: Ўқитувчининг билим даражаси кўп ҳолларда унинг ҳозиржавоблиги ва кенг дунёқараш билан ўлчанади. Ҳар бир ўқувчи ҳам, ўз навбатида мамлакатимизда нишонланадиган байрамлар ва халқимиз учун катта аҳамиятга эга бўлган мұхим саналар ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиши керак. Умумхалқ байрамлари ва тарихий саналар билан боғлиқ тадбирларни янада мазмуншор ташкил этиши учун улардан олдинроқ хабардор бўлиши керак. Шу боис янги ўқув йилида қандай мұхим саналар нишонланиши куттилоқда? Тафбирларни қизиқарли ташкил этиши учун қайси манбалардан фойдаланса бўлади?

Замира АТАНИЁЗОВА,
Тошкент шахри

Ушбу саволга РИПК илмий-библиография
бўлими бошлиғи Муяссан ДИЛМУРОДОВА жавоб беради.

МУХИМ САНАЛАР ВА МАНБАЛАР

2010 йил —

“Баркамол авлод йили”

Мавзу билан кенгроқ танишиш учун қўйида номлари келтирилган нашр материалларига мурожаат қилингиз мумкин:

1. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори: 2010 йил, 27 январь // Халқ сўзи. 2010, 28 январь.

2. Мусаев X. Баркамол авлод — юрт келажаги // Халқ сўзи. 2010, 2 февраль.

3. Зарипов Р. Ёшлар учун ҳимоя ва мадад: Баркамол авлод — мамлакат келажаги // Соғлом авлод. 2010, 6 июнь.

4. Файзиев Ш. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури аҳамияти, мөҳияти ва асосий йўналишлари: Жараён // Миллӣ тикланиш. 2010, 19 май.

5. Холов З. Баркамол авлод — буюк келажак кафолати // Тарбия. 2010, №1.Б.2-6.

1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги куни умумхалқ байрамининг 19 йиллиги (1991)

Байрам тадбирларига тайёргарлик кўришда қўйидаги манбалардан фойдаланиши тавсия этамиш:

1. Аъзамхўжаева Г. Мустақиллик навқирон ёшда: Бир соатлик дарс // Ma'rifat. - 2009. - 19 август.

2. “Мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш — муқаддас бурчимиз” мавзусида ўтказиладиган ҳафталиктни ташкил этиши бўйича тавсия // Ma'rifat. - 2009. - 1 август.

3. Мустақиллик — бу ҳукуқ / Масъул мұхар. ва сўзбоши А.Сайдов. - Т.: Ўзбекистон, 1997. 224-б.

4. Мустақиллик мағұраси ва Ўзбекистонда демократик жамият куришининг иқтисодий, ижтимоий ва манавиий негизлари (ЎзР Президенти И. Каримов асарлари асосида): талабалар ва Президент асарларини мустақил ўрганиш учун ўқув-услубий қўлланма-Т.: Университет, 2001. 232-б.

2 сентябрь — Билимлар куни (ўқув йилининг бошланиши)

Бу куни Республикасининг барча умумтаълим мактабларида “Биринчи қўнғирок” тадбирлари ўтказилади.

1. “Bu yorug’ olamda Vatan bittadir” (1—4-sinflar uchun), “O’zbekiston — mening Vatanim, baxtu iqbolim makoni” (5—6-sinflar uchun), “O’zbekiston — ulkan imkoniyatlari, yangiliklar va islohotlar mamlakati” (7—9-sinflar uchun) mavzularidagi bir soatlik dars ishlamalari.

2. Мустақиллик дарси ва «Мустақиллик — ёруғ тақдиримиз, баҳтимиз, иқболимиз!» номли ҳафталиктни ўтказиш бўйича методик тавсия // Ma'rifat. - 2008. 26 июль.

1 октябрь — Ўқитувчilar ва мураббийлар куни

Ўқитувчilar кунiga багишиланган мақолалар рўйхати:

1. Зайнiddинова М. Сиздек бўлгим келади (4-sinflar учун) “Ўқитувчilar ва мураббийлар куни”-

га багишиланган тадбир сценарийси // Бошлангич таълим. 2009. №10. - Б.4-5.

2. Фиёсова А. Таъзим сизга, устозлар!: 1 октябрь — Ўқитувчilar ва мураббийлар куни // Moхият. 2009. 25 сентябрь.

3. Асадов Ю. Ўқитувчи профессионализми ва унинг таркибий мазмuni // Мактаб ва ҳаёт. - 2009. - №1. - Б.8-10.

4. Турдимов Ш. Устоз — юксак манавият тимсоли // Соғлом авлод учун. - №10. - Б.2-3.

21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг давлат тили қабул қилинган кун (1989)

1. Каримова Б. Менинг она тилим (3-sinflar учун тадбир сценарийси): Давлат тили қонуни — амалда // Бошлангич таълим. - 2009. №11. - Б.24-25.

2. Аъзамхўжаева Г. Она тилим онадек азиз (музықий-адабий томоша тадбирининг сценарийси): Мактаб саҳнаси учун // Ma'rifat. - 2009. - 14 октябрь.

4. Каромов И. Тил — миллат бойлиги // Хуррият. - 2009. - 16 декабрь.

5. Ҳудойкулов Т. Тил — манавиятимиз кўзгуси : 21 октябрь Тил байрами // Ўзбекистон овози. - 2009. - 20 декабря.

6. Сафаева М. Она тилимиз нуфузи // Халқ сўзи. - 2009. - 17 октября.

23 октябрь — Ҳалқаро мактаб кутубхоналари куни

Ҳалқаро мактаб кутубхоналари ассоциацияси таклифи билан ҳар йили октябрь ойининг тўртингчи душанбасида бутун дунё мактаб кутубхоначилари билан биргаликда мактаб кутубхоналари куни нишонланадиган бўлди. Қўйида мазкур санаға оид материалларни келтирамиз:

1. Ратнер Р. Мактаб кутубхонаси ва кутубхоначиси: Ҳалқаро мактаб кутубхоналари куни // Ma'rifat. - 2009. - 24 октябрь.

2. Чинниева С. Китобхонлик — манавият кўзгуси // Халқ таълими. - 2009. №4. - Б.111 - 115.

3. Ботиров Б. XXI аср кутубхонаси: муаммо, таҳлил, ечим // Миллӣ тикланиш. - 2009. - 4 ноябрь.

4. Бекназарова Н. Китобхонлик китобсеварликдан бошланади // Туркiston. - 2009. - 4 ноябрь.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллиги (1992)

Конституциямизга багишиланган манбалар рўйхати:

1. Раҳматова Г. Озодликнинг рамзи бу китоб: Бошлангич синф ўқувчилари учун Конституция байрами сценарийси // Ma'rifat. - 2009. - 2 декабрь.

2. Қодиров Р. Конун хужжатларини токомиллаштириш — давр талаби // Ma'rifat. - 2010. - 24 июль.

3. Рӯзиназаров Ш. Инсон ҳукуқлари олий қадрият: Менинг Конституциям // Халқ сўзи. - 2009. - 1 декабрь.

4. Махсумов С. Конституция — баҳтимиз кафолати // Ma'rifat. - 2009. - 25 ноябрь.

2011 йилда қўйидаги саналарга аҳамият қартиш мақсадга мувофиқидir:

Буюк шахслар

Тасаввуф илмининг машҳур намояндайларидан бири, шоир Аҳмад Яссавий

(1041—1166) тавалдига 970 йил тўлади.

Ҳўжа Аҳмад 1041

йили Сайрам шаҳрида Иброҳим ота ва Қорасоч момо номи билан машҳур бўлган Ойша хотун оиласида таваллуд топган. Сайрам туркий халқларнинг тараққий эттан илм-фан ва маданият марказларидан бири эди. Адид ҳаёти ва ижодига оид тўлиқ маълумотни кўйидаги адабиётлардан топишингиз мумкин:

1. Олимов Ш. ва бошқ. Яссавий “Ҳикмат”ларида маънавий-ахлоқий тарбия талқини // Узлуксиз таълим.-2009.- №5. - Б. 64 - 67.

2. Аҳмад Яссавий ҳикматларидан на-

Savol bering, javob beramiz



нинг туркий тиллар ҳақидаги қомусий асари (1701—1772) ёзилганига 940 йил тўлади.

Бу асарда XI асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиё ва Фарбий Хитой худудида истиқомат қилган туркий уруғ ва қабилалар, уларнинг ижтимоий аҳволи, тили, тархи, ўлка географияси, метрологияси ва астрономияси оид қимматли маълумотлар ёзил қолдирилган.

Шунингдек, 2011 йилда:

► 1 январь — Янги йил байрами;

► 3 январь — Ўзбекистон Республикаси Миллӣ.Давлат китоб палатаси ташкил топган кун (1926);

► 10 январь — Ички қўшинлар ташкил топганлигининг (1992) 19 йиллиги;

► 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни (1993);

► 26 январь — Бутунжаҳон божхоначилар куни (1983);

► 2 марта — Мустақил Ўзбекистон Республикаси БМТГа аъзо бўлганлигининг (1992) 19 йиллиги;

► 8 марта — Ҳалқаро хотин-қизлар байрами;

► 21 марта — “Наврӯз” умумхалқ байрами;

► 22 марта — Бутунжаҳон сув куни (1992);

► 24 марта — Ўзбекистон Республикасининг чегара қўшинлари ташкил этилган кун (1992)

► 27 марта — Ҳалқаро театр куни (1961);

► 1 апрель — Ҳалқаро кулги куни;

► 2 апрель — Ҳалқаро болалар китоблари куни;

► 17 апрель — Ёнгин хавфсизлиги ходимлари куни;

► 19 апрель — Ҳалқаро оламни асраш куни;

► 3 май — Бутунжаҳон матбуот эркинлиги куни (1934);

► 7 май — Радио куни;

► 9 май — Хотира ва қадрлаш куни(1999);

► 15 май — Бутунжаҳон оила куни;

► 18 май — Ҳалқаро музейлар куни;

► 31 май — Бутунжаҳон чекишига қарши курашиб куни;

► 1 июнь — Ҳалқаро болаларни ҳимоя килиш куни;

► 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза килиш куни;

► 26 июнь — Бутунжаҳон гиёҳ-вандликка қарши курашиб куни;

► 27 июнь — Ўзбекистон Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни;

► 2 юль — Ўзбекистон Республикасининг давлат Герби (1992) тасдиқланган кун;

► 27 август — Кино куни (1979);

► 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни;

► 27 сентябрь — Бутунжаҳон туризм куни;

► 21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилинган кун (1989);

► 10 ноябрь — Бутунжаҳон ёшлар куни (1945);

► 18 ноября — Ўзбекистон Республикасининг давлат байроби тасдиқланган кун (1991);

► 3 декабрь — Ҳалқаро ногиронларнинг ҳукуқ ва эркинликлари ҳимоя килиш куни (1993);

► 10 декабрь Ўзбекистон Республикасининг давлат Мадҳияси (1992) қабул қилин

УЛАРНИНГ ДАВОМЧИЛАРИ БОР!

Хар гал август ойи иккинчи ўн кунлигининг дастлабки куни бошланганда, ўзбек футбол ихлосмандлари уларнинг порлок хотираси учун сукут саклашади, уларни яхши билганлар, ажо-ийиб ўйинларидан, ғалабаларидан баҳраманд бўлганлар чукур хўрсиниб кўйишиади. Ўттиз бир йиллик оғир таассурот иштирокчилари бизга жуда яхши таниш, улар — 1979 йилнинг 11 августида авиаҳалокатга учраб, сўнгиз само бағрига сочилиб кетган ўзбек футболи афсоналари!

Бу воқеани эслашнинг ўзи оғир, эслатиш эса икки карра. Бутун миллиятнинг дарду кувончига айланиб қолган жамоа бир кунда... Бу хабарни эшитишнинг ўзи оғир эди.

Биз тенгилар бу машҳур жамоани умуман кўрмаган, ҳатто тасмаларга мухрлаб олинган айрим ўйинларини ҳам ойна жаҳон орқали томоша қилмаганимиз. Фақатгина байзи фильмларда улар тасвирларини элас-элас учратиб қоламиш...

Эсимда, ёши каттароқ футбол иштиёқмандлари кўп маротаба Аширов, Фёдоров, Бозоров, Ан каби футбольчиларни ўзгача меҳр ва қайгу билан тилга олишар ҳамда улар ижросидаги спектакллар тўғрисида мирикиб сўзларди. Айрим муҳлис акаларимизнинг телевизорда бирон фут bolt ўйинин томоша қиларкан, беихтиёр ҳалок бўлган футбольчиларимизни кўз олдига келтирганча, қароқларига ўшилтиришни кўрганман.

Чиндан ҳам айни гуллаган, кучшикоатта тўлган паллада улар заминга қайтади. Улар билан ойдин орзулас ҳам дайди шамолларга совурилиб кетди. Бутун бир ҳалқ чукур ғамга чўқди, изтироб селларида қолди...

Мустақиллик йилларида "Пахтакор" клубининг марҳум футбольчилари номини абадийлаштириш ва ўш авлодга таништириш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди, оширилаяпти. Жумладан, ҳар илии август ойида фақатгина юртимизда эмас, балки МДҲнинг кўплаб мамлакатларида

хотирига турнирлари ташкиллаштирилиб, марҳум ҷарм тўп усталари ёдга олинади, уларга атаб ўрнатилган ёдгорликлар пойига гуллар кўйилади.

Ёдингизда бўлса, ўтган йили Москвада Аргентина ва Россия терма жамоалари ўтасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Ана шу ўйин

Xotira turniri

бошланиши арафасида бутун стадион оёқка қалқиб, жаҳон футболи тарихида из колдиришга ўзурган марҳум футбольчиларимиз хотираси учун сукут саклашади.

Ажо-ийиб ҳалқаро турнирлардан бири жори йилда пойтахтимизда "Хотира қанотлари" номи остида ўштирилаяпти. Унда ҳамюртларимиздан ташқари, Кирғизистон ва Тожикистондан келган ўш спортичилар ҳам майдонга чиқди.

Мазкур биринчиликда 12 жамоа 4 гурухга бўлинди, ўзаро баҳсга киришид. "Пахтакор" ўйингоҳида кечган "А" ва "Д" гурухларидаги учрашувларда бир қатор йирик хисоблар кўзга ташланди. Хусусан, "А" гурухида "Пахтакор-1" (Тошкент шаҳри) "Олимпик"ни (Кашқадарё) 8:0 хисобида додга колдири. Сўнгра Тошкент шаҳридан 16-Болалар ва ўсмирилар спорт мактаби жамоаси 4:1 хисобида мағлуб этилди. Ушбу ишончли ютуқлардан кейин "Пахтакор-1" турнирнинг ярим финалига ўйлланма олди.

"Д" гурухида Республика олимпия захиралари колледжининг ўш футбольчилари Қозоғистондан кел-

ган жамоани 5:1, "Чилонзор"ни 1:0 хисобида мағлубиятга учратди.

Пойтахтимиздаги "Чилонзор" стадионида ўтказилган "В" ва "С" гурухи баҳсларида "Пахтакор-2" жамоаси бекободлик ёшлардан таркиб топган "Металлург" (1:0) ва "Шайхонтохур" (2:0) ўтидан зафар қозонди. "С" гурухида ўйнаётган Муборакнинг "Машъал" клуби умидли ёшлари Тожикистон шарафини химоя қилган тенгдошларининг дарвозасига жавобсиз чут тўй ўйлаши.

Кеча ҳалқаро хотирига турнирнинг ҳал қуловчи ўйинлари бўлиб ўтди. Унда "Пахтакор-1" жамоаси "Пахтакор-2" жамоасига қарши куч синашди. Асосий ва қўшимча бўлимларда голиб номи аниқланмагач, пенальтилар сериясига мураккаб қилинди ва унда "Пахтакор-1" жамоасига омад кулиб боқди.

Шу ўринда бир ҳақиқатни айтиб ўтишин жоиз топдик. Ҳалқаро турнирда тўп суроётган ёшларнинг ўйинларини, саъиҳаракатларини кузата туриб, дилимизда қандайдир умид шуъллари ёнгандек бўлади. Мусобақада мұваффақиятли иштирок этётган жамоаларимизнинг ғалабасини таъминлаётган болалар келажакда "Пахтакор-79" шонини қайта тикласа ва жамоаларимизни дунёга танилган футбол клублари сафиға кўшса, ажабмас.

Спорт турларидан энг машҳурлари тилга олиниши лозим бўлса, кўпчилик, шубҳасиз, биринчи бўлиб футбол ҳақида сўзлайди. У бутун дунёни забт этиб бўлди. Заминнинг исталган бурчагида футбол дарду севинчи билан яшётган минглаб ихлосмандларни учратамиз. Шундай экан, "миллионлар ўйини"нинг ҳақиқий шинавандаси бўлган ҳалқимиз ҳам хотириларда мангу яшётган "Пахтакор-79"ни унутмайди.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ТЎГАРАКЛАРДА ЗАРУР БИЛИМЛАР

Ёзни саховатли фасл сифатида барча бир-дек яхши кўради. Бу мавсумда табиат кўйинида ҳордик чиқаришнинг ҳам гашти ўзгача. Шу сабаб, барча ёзги оромгоҳлар каби Мудофаа ва зирлигига қарашли Ёкуб Турсунов номидаги дам олиш маскани ҳам айни дамда болажонлар билан гавжум.

Маскан ҳовлисига қадам кўйишингиз билан бу ерда хукм суроётган кувноқ кайфият сизнинг ҳам қалбингизга кўчади. Стадионни тўлдириб ҳар хил ўйинлар ўйнаётган болажонларга қараб юрагингиз ширин орзиқади, уларнинг ўйин-кулгуси, шодон қўйқириғи қувончинингизга қувонч кўшади. Оромгоҳда ўтказиладиган қизиқарли тадбирлар, турли спорт мусобақалари, концерт дастурлари, янги дўстлар — буларнинг барчаси болажонларнинг кўнгилли

ҳордик чиқаришига катта ҳисса кўшмоқда.

— Эз фаслини мазмунли ва қизиқарли ўтказиш учун бу йил ҳам махсус режа ишлаб чиқилган, — дейди биз билан сұхбатда тарбиячи Нигора Мухаммедова. — Ундаги тадбирлар доирасида болалар учун турли кўрик-танловлар, маънавий-маърифий кечалар ташкил этилмоқда.

Оромгоҳда спорт, ўш ҳамширлар, тикиш-бичиш, юмшоқ ўйинчоклар ясаш ҳамда расм чизиш тўгараклари ҳам фаоли-

ят кўрсатмоқда. Айни дамда спорт тўгарагига раҳбарлик қилиб келаётган Нурсултон Нурниёзов оромгоҳда спорт ўйинлари ва мусобақаларини ташкил қилиш ҳамда ўтказишга бош-кош бўлиб келаёт. Спорт тўгарагида 50га яқин болалар волейбол, баскетбол, футбол, стол тениси, шахмат, шашка бўйича ўз маҳоратларигини ошироқмоқда.

— Оромгоҳдаги замонавий тренажёр зали болажонлар ихтиёрида, — деди Н. Нурниёзов. — Болажонларимизнинг спортга жуда қизиқиши баланд эканидан тўгараклар доимо гавжум. Улар барча спорт мусобақаларида катта қизиқиши ва фаоллик билан иштирок этишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, болалар оромгоҳда мириқиб ҳордик чиқариш билан бирга хунар ўрганинти, спорт билан шугулланынти. Мазмунли ҳордик онлари улар хотириларда бир умрга муҳраниб қолиши, шубҳасиз.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА

БАДИЙ ГИМНАСТИКА: ҚИЗИЛҚУМ «ОЛТИН»ЛАРИ

Учкудук туманинаги ўнта таълим муассасаси спорт базасида қизларнинг бадиий гимнастика билан шуғулланишларига имконият яратиш максадида спорт секциялари ташкил этилган. Туман ҳокимлиги томонидан мазкур спорт турини ривожлантиришга кўмаклашиш максадида 20 миллион сўмлик гимнастика жиҳозлари олиб берилди.

Бу ғамхўрлик туфайли ҳозирги кунда 548 нафар қиз гўзаллик ва нағосат машгулотларига қатнашмоқда. Яқинда бўлиб ўтган беллашув ана шу тўгаракларга қатнаётган ўш бадиий гимнастикачиликларнинг маҳоратларини си-

новдан ўтказиш максадида ташкил этилди.

— Киска фурсат ичидаги тўгаракларда олиб борилган ишлар бугун ўз натижасини кўрсатди, — дейди Навоий вилоят бадиий гимнастика федерацияси ижрочи директори Баҳора Ҳамдамова. —

Голиблик учун даврага тушган юздан ортиқ қизларнинг эпгил ва жозибали ҳаракатлари бунинг далилидир. Айниқса 7, 9-мактаблар, Ўкувчилар ижодиёт маркази бадиий гимнастикачиликлари номидан иштирок этган вакилларнинг чиқишилари барчамизда илиқ таасусурот қолдириди. Дарвоқе, Қизилқум воҳасининг олис бир туманида бу борада олиб борилётган ишларни республикамиз миқёсигда эътиборли ва ибратли десак, янгилишмаймиз.

О.МУРОДУЛЛАЕВА



СУЗИШ БЎЙИЧА ЯНГИ РЕКОРД

Будапештда ўтказилаётган сув спорти бўйича Европа чемпионатида британиялик Ханна Майли барча рақибларини енди ва мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди.

Энг муҳими шундаки, у бу ютуғ билан қитъа рекордини ҳам янгилашга мұваффак бўлди. 400 метрга сузиш баҳсларида спортчи қайд этган натижага 4 дакиқа 33,09 сонияни ташкил этди. Европа чемпионатида ўзига хос юксак натижага эришган Ханна Майли, табиийки, бунга қадар бир қатор нуфузли турнирларда ҳам мунисиб иштирок этиб, зафар қозонган.

Мазкур беллашувда иккинчи ва учинчи ўринларни чемпионат мезонлари — венгриялик Катинка Хошун (4.36,43) ҳамда Жужанна Якобш (4.37,92) эгаллаб, кумуш ва бронза медалларига эга бўлди.

БУ ГАЛ НАЛБАНДЯН ЕНДИ

Аргентиналик Давид Налбандян Вашингтонда ўтказилган йирик ҳалқаро теннис турнирида зафар кучди. Эслатиб ўтасида, мазкур биринчиликнинг ютуқ жамгараси 1,17 миллион долларни ташкил этди.

Дунё тениссчилар рейтингининг 117-погонасидан ўрин олган Налбандян иккиси давом этган финалда кипрлик тениссичи Маркос Багдатини 6:2, 7:6 (7:4) хисобида доғда колдири.

Бунга қадар Налбандян 2009 йилнинг январь ойида Профессионал тениссчилар асоциацияси Сиднейда ташкиллаштирган тенис мусобақасида ҳам голиб бўлганди. Жанубий американли тениссичи яқиндагина катта тенингга қайтди, унгача оёғидан олган жароҳат туфайли кортга чиқмаётганди. Багдатис ҳамда Налбандян ўтасида кечган охирги матчда кипрлик тениссичи ғалаба қозонганди.

НОРАСМИЙ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Америкалик гроссмейстер Гата Камский жаҳон чемпионати макомидаги норасмий «Chess Classic Mainz» тезкор шахмат турнирида голибликни кўлга киритди, деб хабар берди мусобақа расмий сайти.

Камский 11 тур давомида ғалабани ўз қўлида ушлаб туришга мұваффак бўлди, иккита партияни дуранг билан якунлаб, жами 10 очко жамгарди. Колган уч шахмати 9,5 очко жамгарига эриши. Кумуш медал озарбайжонлиги. Вугар Гашимогъа наисбет этди. 3- ва 4-уринги Левон Аронян ҳамда Евгений Бареев лойик топили.

Аёллар ўтасида эса кучли училки американлик Анна Затонский (8,5), россиялик Ольга Долгова (8) ҳамда амалдаги жаҳон чемпиони Александра Костенюк (7,5) забт этиши.

МЮ — СУПЕРКУБОК СОХИБИ

Англияда навбатдаги мавсум бошланиши арафасида макоматнинг иккি йирик футбол клуби — «Челси» ҳамда «Манчестер Юнайтед» Англия Суперкубоги учун ўзаро баҳслашди.

Нуфузли совринлардан бири — Суперкуб учун бўладиган учрашувлар доим мусобасисиз ва кескин курашлар остида ўтади. Бу сафар ҳам мұхлислар орзиқиб кутган воқелик содир бўлди. Гарча бу йилги мавсумда «қизил иблислар» чемпионлик унвонини «аристократлар»га бой берган бўлса ҳам, янги мавсум арафасида ажойиб ўйин намоиш этиб, Карло Анчелотти шогирдларини 3:1 хисобида мағлубиятга учратди.

Лондондаги «Эмбли» майдонида ўтказилган учрашувда хисоби 41-дакиқада А. Валенсия очди. Сўнгра Х. Эрнандез ва Д. Б

ҚАЙТА ТАЙЁРЛОВ ДИПЛОМИ ОЛИЙ МАЪЛУМОТ МАҚОМИГА ЭГАМИ?

САВОЛ: — Қайта тайёрлаш жараёни қандай кечади, барча фан йўналишлари бўйича қайта тайёрлов курслари борми, ўқиши мавсуми, муддати ва тўлови ҳақида маълумот беринг.

Нуридин НИЁЗОВ

ЖАВОБ: — Қайта тайёрлаш курслари Халқ таълими вазирлигининг 2007 йил 3 апрелдаги 90-сонли бўйруғи билан тасдиқланган "Халқ таълими муассасаларида фаолият кўрсатаётган но-мутахассис кадрларни тегиши педа-гогик мутахассисликка қайта тайёрлаш ҳақида Низом"га биноан ташкил этилади.

Қайта тайёрлаш курслари умумий

ўрта таълим мактаби ўқув режасидаги барча фанлар бўйича, шунингдек, мактабгача ва маҳсус таълим йўналишларида ҳам ташкил этилади. Қайта тайёрлаш курслари камидаги 576 соат ҳажмадаги таълим дастурларини ўзлаштиришга мўлжалланган бўлиб, уни муваффакиятли тугатганларга ўрнатилган тартибида қайта тайёрлаш ҳақида диплом ва рейтинг дафтарчasi берилади.

Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш натижасида олинган диплом иккичи олий маълумот ҳақида ҳужжат мақомига эга эмас, у фақат муайян фанлар ва курслар бўйича ўқув машгулотлари олиб бориш ҳукуқини беради.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш асосий ишидан ажралган ва ажралмаган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРУВЧИ МУТАХАССИС

САВОЛ: Мактабда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришга ким масъул? У бу борада йил давомида амалга оширадиган ишлар бўйича қандай режа тузади ва амалга оширади?

Зиёдулла АЗИМОВ,
Яккабоғ туманидаги
42-мактаб ўқитувчиси

ЖАВОБ: — Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишларини олиб бориша касб-хунарга йўналтирувчи мутахассис, амалиётчи-психолог ва бутун мактаб жамоаси масъулдир.

Умумий ўрта таълим мактабларида касб-хунарга йўналтирувчи мутахассис штат бирлиги ажратилмаган бўлиб, мазкур вазифа олий маълумотли меҳнат таълими ўқитувчиси ёки олий маълумотли, тажрибали педагогга мактаб бўйруғи билан юқлатилади ҳамда унга ўрнатилган тартибида устами ҳақи тўланади (Халқ таълими вазирлигининг 2007 йил 20 февралдаги 49-сонли бўйруғи).

Касб-хунарга йўналтирувчи мутахассиснинг алоҳида иш режаси тузилади ва туман, шаҳар Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази билан келишилди ва мактаб директори тасдиқлайди.

— Касб-хунарга йўналтирувчи мутахассиснинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

— ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш бўйича ташкилий ва методик ишларни амалга оширади;

— ўқувчиларга касбий ахборотлар беради, уларнинг турли хил касб-хунарга оид тадбирларда иштирок этишини таъминлайди;

— ўқувчиларнинг қизиқиши, мойиллиги ва лаёқатларини хисобга олган ҳолда уларни мустакил ва онгли касб танлашга йўналтиради;

— республика, вилоят, туман, шаҳарлардаги касб-хунар таълими муассасалари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлайди;

— касбга кўйиладиган талаблар тўғрисида ўқувчилар, ўқитувчilar, отоналарга маслаҳатлар беради;

— синф раҳбарлари билан бирга маҳалла, ҳудудий академик лицей ва касб-хунар коллежлари, отоналар билан ҳамкорликда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришга доир тадбирлар ўтказади (экскурсия, семинар, учрашув, давра сұхбати ва х.к.);

— амалиётчи-психолог билан биргаликда ўқувчиларни психологик-педагогик ҳамда касбий ташхис методикаларининг мақсади, мазмун-моҳияти ва натижаси билан танишириб беради;

— таълим муассасаси директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари билан биргаликда "Узлуксиз касб-хунарга йўналтириш Дастури" бўйича 1—9-синфларда синф раҳбарлари томонидан олиб борилаётган ишларни назорат қиласи, таҳлил этади ва тавсиялар беради.

ДИРЕКТОР ҲАМ ДАРС ЎТАДИ

САВОЛ: — Мактаб директори (маъмурияти)га мутахассислиги бўйича кўпили билан неча соат дарс ажратилади ва иш ҳақи қандай тўланади?

Насиба ШОҲОБИДДИНОВА,
Қибрай туманидаги
46-мактаб ўқитувчиси,

ЖАВОБ: — Мактаб директори (маъмурияти)га мутахассислиги бўйича кўпили билан 10 соат (ўқув юклами) бевосита дарс ўтиш учун рухсат этилади. Бунда унинг педагогик юклами 5 соатни ташкил этади. Мактаб директори амалга оширилади.

(маъмурияти)га мутахассислиги бўйича ўтган дарслари учун соатбай иш ҳақи тўланади.

Соатбай ишловчи ўқитувчilarнинг иш ҳақини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигинида 2010 йил 17 майда 2103-сон билан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирliklarining "Ўқув машгулотларини ўтказгандик" учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш микдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига асосан амалга оширилади.

ҚЎШИМЧА БИНОЛАР КУРИШ МУМКИН

САВОЛ: — Мактаб ҳудудида ҳомийлик асосида ички ташаббус билан бирор майший ёки қўшимча ўқув биноси куриш учун кимга мурожаат қилинади ва расмийлаштириш жараёни қандай тартибида амалга оширилиши зарур?

А.ИСЛОМОВ.

Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: — Агар мактабнинг навбатлилар коэффициенти 1,5 — 1,8 ни ташкил этиб, қўшимча ўқув бинолари, шунингдек, ёрдамчи бинолар курилиши зарур бўлса, биринчи навбатда

мактаб раҳбари туман (шаҳар) ҳалқ таълими бўлими мудири билан биргаликда ёзма равишида туман (шаҳар) ҳокими мурожаат этади. Туман (шаҳар) архитектори, сувоқава корхонаси, газлаштириш корхонаси, электр тармоклари корхонаси билан келишилган ҳолда туман ҳокимининг ушбу мактаб учун қўшимча бинолар курилиши тўғрисида тегишли қарори қабул қилинади. Ундан сўнг намунавий лойиҳаларга асосланган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, бюджетдан ташкил ёки ҳомийлар маблагларини жалб этган ҳолда курилиш ишларини амалга ошириш мумкин.

Savol bering, javob beramiz

ПУЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МУМКИНИ?

САВОЛ: — Ўзбекистон бўйича қанча мактабдан ташқари таълим муассасаси мавжуд (турлари бўйича маълумот берилса)?

Муҳаббат НОРМУРОДОВА,
Қашқадарё вилояти 13-мактаб-интернат директори

ЖАВОБ: — Республика мактабдан ташқари таълим муассасаларининг 265таси (47,1 фоиз) ўқувчилар ижодиёт марказлари, 124таси (22,1 фоиз) техник ижодиёт марказлари, 100таси (17,8 фоиз) экология йўналишидаги марказлар, 57таси (10,1 фоиз) ёш саёҳатчilar ва ўлчашуннослар марказлари ва қолган 17таси (2,9 фоиз) бошқа турдаги (соглом авлод марказлари, болалар истироҳат боялари, тил марказлари, нутқ марказлари, касбга тайёрлов марказлари ва бошқ.) мактабдан ташқари таълим муассасалари хисобланади.

"Таълим тўғрисида"ги қонунинг Мактабдан ташқари таълим тўғрисидаги 17-моддасида эса қўйидагилар белгиланган:

"Болалар ва ўсмиларнинг якка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишида ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, бошқа юридик ва хисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Мактабдан ташқари таълим муассасалariга болалар, ўсмилар ижодиётси саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмилар спорт мактаблари, санъат мак-

таблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларида фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб кўйилади."

Таълим муассасаларида таълимга кўйилган давлат таълим стандартлари ҳамда давлат таалаблари асосида бериладиган таълим дастурлари бўйича ўқитиш белгуп хисобланади.

Лекин, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунинг 4-моддасида ("билим олиш ҳуқуқи ... шунингдек, таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-хунар ўргатиш; орқали таъминланади.") белгилангандек, таълим муассасаларида таълимга кўйилган давлат таълим стандартлари ҳамда давлат таалабларидан ташқари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ пуллик хизмат кўрсатиши мумкин.

Таълим тизимининг демократиклиги ва бозор ислоҳотларига мувофиқлигини таъминлаш, таълим хизматлари кўрсатиш боғзорида рақобатни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январдаги "Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш чора-таддирлари тўғрисида"ги 48-сонли 6-моддасида "Таълим тўғрисида"ги қонунинг 4-моддасида (билим олиш ҳуқуқи ... шунингдек, таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-хунар ўргатиш; орқали таъминланади.") белгилангандек, таълим муассасаларида таълимга кўйилган давлат таалабларидан ташқари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ пуллик хизмат кўрсатиши мумкин.

ҲАР УЧ ЙИЛДА — ЖОРИЙ ТАЪМИР

САВОЛ: — Мактаб биноларини ҳар йили жорий таъмирлаб туриш учун давлат томонидан маблаг ажратиладими, ажратилса, ким томонидан, қайси мезонлар асосида таъсимиланади ёки жорий таъмирлаш мактаб маъмуриятининг тўлиқ зиммасига юқлатилганми?

Дилдора ХОДЖАЕВА,
Мирзо Улугбек туманидаги
99-мактаб ўқитувчиси

ЖАВОБ: — Умумтаълим мактаблари ва мактаб-интернатлари учун ишлаб чиқилган "Курилиш мевъёлари ва қоидалари"га кўра, жорий таъмирлаш ишлари ҳар 3 йилда амалга оширилиши белгиланган. Бунда асан, бинодаги конструктив элементлар ва мухандислик коммуникацияларининг 5—10 фоизи алмаштирилиши кўзда тутилган. Бу ишларни амалга ошириш учун маҳаллий

ҳоқимлик ва туман(шаҳар) ҳалқ таълими бўлимлари томонидан яроқсизлик далолатномалари (дефектний акт) тузилиб, унинг асосида смета ҳужжатлари тайёрланиб, маҳаллий бюджет хисобидан таъмирланашиш ишлари маблаг ажратилиб, амалга оширилади.

Бирок, шу билан бир қаторда таъкидлаш лозимки, ҳар йили мактаб маъмуриятини вазирлик томонидан тегишли вазирлик ва идоралар (Молия, Иқтисодиёт, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирliklari, "Давархитектурилии" кўмитаси) билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган барча таълим тизимида мутассаларнинг бино ва иншоотлари баҳорига ва кузги кўрикдан ўтказиб, унда аниқланган айrim нуқсонлар мактаб маъмуриятини томонидан ички имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда, бартараф этиб борилади.

РОЗИЛИК ОЛИНГАНДАН СҮНГ

САВОЛ: — Мактаб ҳудудида қўшимча бинонинг курилиши жойида агарда кўп йиллик дарҳат ва кўчатлар бўлса, уларни рўйхатдан чиқариш учун қандай ҳужжатлар зарур бўлади?

ЖАВОБ: — Туман (шаҳар) ҳоқимининг

ри эвазига Республика изда 178та ТИП асосидаги спорт иншоотлари янгидан курилиб фойдаланишга топширилган.

Ушбу спорт иншоотлари ўқувчilarнинг қамрови ҳудудда истиқомат қилаётган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг кайси спорт турига қизиқи

РАМАЗОН ТАҚВИМИ

Рўза кунлари	Хафта кунлари	Август	Саҳарлик тугаши	Ифторлик
1	Чоршанба	11	3:58	19:31
2	Пайшанба	12	3:59	19:30
3	Жума	13	4:00	19:29
4	Шанба	14	4:11	19:27
5	Якшанба	15	4:02	19:26
6	Душанба	16	4:03	19:24
7	Сешанба	17	4:04	19:23
8	Чоршанба	18	4:05	19:21
9	Пайшанба	19	4:06	19:20
10	Жума	20	4:07	19:19
11	Шанба	21	4:08	19:17
12	Якшанба	22	4:09	19:15
13	Душанба	23	4:10	19:14
14	Сешанба	24	4:11	19:12
15	Чоршанба	25	4:12	19:11

Рўза кунлари	Хафта кунлари	Август Сентябрь	Саҳарлик тугаши	Ифторлик
16	Пайшанба	26	4:13	19:09
17	Жума	27	4:14	19:08
18	Шанба	28	4:15	19:06
19	Якшанба	29	4:16	19:04
20	Душанба	30	4:17	19:03
21	Сешанба	31	4:18	19:01
22	Чоршанба	1	4:19	19:00
23	Пайшанба	2	4:20	18:58
24	Жума	3	4:21	18:56
25	Шанба	4	4:22	18:55
26	Якшанба	5	4:23	18:53
27	Душанба	6	4:24	18:51
28	Сешанба	7	4:25	18:50
29	Чоршанба	8	4:26	18:48
30	Пайшанба	9	4:27	18:46

РЎЗА ТУТИШ (ОГИЗ ЁПИШ) ДУОСИ

Навайту ан асумা совма шаҳри ромазона минал фажри илал магриби, холисан лиллаҳи таъала. Аллоҳу акбар.
Маъноси: Рамазон ойининг рӯзасини субҳдан то кун ботгунча тутмокни ният қилдим. Холис Аллоҳ учун. Аллоҳ Буюқдир.

ИФТОРЛИК (ОГИЗ ОЧИШ) ДУОСИ

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва ъалайка таваккалту ва ъала ризқи афтарту, фагfirлий йа Фоффару ма қоддамту ва ма аххорту.

Маъноси: Эй Аллоҳ, ушбу рӯзамни Сен учун тутдим ва Сенга иймон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларни авф қилувчи Зот, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгил.


Тошкентдан бошка шаҳарлардаги вақтлар фарқи (минут)

Аввал : Чимкент (1), Конибодом (5), Кўқон (7), Жамбул (7), Наманган (10), Фарғона (10),
Марғилон (10), Андижон (12), Ўш (14), Жалолобод (15), Бишкек (21), Олма - ота (21).

Кейин : Бекобод (4), Туркистон (4), Жиззах (6), Гулистон (7), Денов (7), Жомбай (7), Самарқанд (9),
Шахрисабз (10), Каттакўрғон (12), Карши (9), Нурота (14), Навоий (19), Бухоро (21), Хива (35)

“ЎЗБЕКИСТОН ОРОМГОҲЛАРИ” АЙЛАНМА КРОССВОРДИ

Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1.Қорақалпогистон Республикасининг Нукус туманидаги дам олиш маскани. 2. Маркази Кува шаҳри ҳисобланувчи оромгоҳлар жойлашган туман. 3. Сирдарё вилоятидаги санаторий. 4. Чотқол тоф этакларининг Бўзсув қирғоқлари бўйлаб жойлашган хушманзара балнеологик курорт. 5. Термиз туманидаги шифобаҳш, хушманзара оромгоҳ. 6. Наманган вилоятидаги туманга номдош маҳшур шифобаҳш маъдан сувли оромгоҳ. 7. Пойтахтимиз яқинидаги оромгоҳ кўл. 8. Мамлакатимиз жанубидаги шифобаҳш оромгоҳ. 9. Фарғона вилоятидаги дам олиш масканидари бири. 10. Республикаиз худуди қаъридан олинадиган шифобаҳш маъданли сув. 11. Фарғона водийсидаги санаторийлардан бири. 12. Тошкент шаҳридаги шифобаҳш маъдан сувли даволаниш маскани. 13. Кирай туманидаги шифо ва дам олиш маскани. 14. Фарғона вилоятининг сойлик бўйида жойлашган оромгоҳ. 15. Шоҳимардансоӣ бўйидаги қадими чинорлари билан хушманзара касб этувчи оромгоҳ. 16. Чирчиқ дарёси-нинг бошланиш қисми соҳилида ҳалқаро ан-дозаларга мос ҳолда бунёд этилган йирик дам олиш мажмуаси. 17. Сурхондарё вилоятидаги дам олиш ўйи. 18. Денов туманидаги оромгоҳ. 19. Чирчиқ шаҳри яқинидаги боф ва манзарали дарахтзорлари билан кўркам балнеологик курорт. 20. Бўстонлик туманидаги тоф иклимий курорти.



МУАММОНОМА

Аввало қуйида таърифлари баён этилган, калит сўзларни топинг. Қавс ичидаги рақам сўзнинг нечта ҳарфдан иборатлигини англатади.

- Манзарали ўсимлик, энг яхши совға. (3).
 - Ёз фасли ойи. (6).
 - Фарғона вилоятидаги туманга номдош нуронийлар оромгоҳи. (8).
 - Йилнинг энг иссиқ даври, шамсия йили ҳисобидаги ой. (7).
 - Токзорларда етишириладиган ҳосил. (4).
 - Ноз-неъмат етишириувчи. (6).
 - Тўпли спорт ўйини тури. (8).
 - Кўплаб етишириладиган полиз экини. (5).
 - Ўзбекистон ва Тожикистон худудларидағи тизма тоф. (5).
 - Боғдорчилик экинлари ва уларнинг мевалари. (7).
 - Нокнинг сершира, йирик нави. (7).
 - Куннинг мусаффо пайти. (4).
 - Дала меҳнаткашларининг ёзлик оромгоҳи. (6).
 - Токларни кўтариб турувчи мосла ма. (5).
 - Йил фасли. (2).
- Энди шаклнинг ўрта қисмидаги рақамларни калит сўзлари жавобларидағи биринчи ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан Аҳмад Аҳгар ёзб қолдирган иккى мисра хикматни билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ

Ma'rifat
Bosh muhartir:
Abdusamat RAHIMOV

**TA'SIS
ETUVCHILAR:**
O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'ST MUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-722.
Tiraji 27788.
Hajmi 4 bosma taboq.
Offset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Qurbanboy MATQURBONOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifiga qaytarilmaydi.
(M) belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 0010083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, olyi va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmlarini hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdagi tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Boshishga topshirish
vaqt — 21.00.
Topshirildi — 22.15
ЎзЛ якуну — 21.00